ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ИЛМИЙ-ТАНҚИДИЙ МАТН НАЗАРИЯСИ ВА АМАЛИЁТИ

ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА

ТОШКЕНТ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

Илмий-танқидий матн назарияси ва амалиёти

ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА

Тузувчи: ф.ф.н. Р.ЗОҲИДОВ

1239
ALISHER NAVOIY NOMIDAGI
ToshDO'TAU
AXBOROT-RESURS MARKAZI

Тошкент-2011

TAJRIBA-SINOV

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

Руйхатга олинди

№ИД2201-2.03

2008 йил "23" август

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2008 йил "23" августдаги "263"-сонли буйруғи билан тасдиқланган

ИЛМИЙ-ТАНҚИДИЙ МАТН НАЗАРИЯСИ ВА АМАЛИЁТИ

фанининг

ЎҚУВ ДАСТУРИ

Билим сохаси: 5200000 -Гуманитар фанлар ва санъат
Таълим сохаси: 5220000 -Гуманитар фанлар
Мутахассислик: 5А220104 -Адабий манбашунослик ва матншунослик

Тошкент — 2008

Фаннинг ўқув дастури Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими ўқув-методик бирлашмалари фаолиятини мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2008 йил 20"августдаги "4"-сон мажлис баёни билан маъқулланган.

Фаннинг ўқув дастури Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида ишлаб чиқилди.

Тузувчилар:

Зохидов Р.	-Матншунослик, миллий уйғониш ва хозирги ўзбек адабиёти кафедраси доценти, филология фанлари номзоди
Жабборов Н.	-Матншунослик, миллий уйғониш ва хозирги ўзбек адабиёти кафедраси профессори, филология фанлари доктори

Тақризчилар:

Ҳасанов С.	-ЎзРФА Алишер Навоий номидаги адабиёт музейи директори, филология фанлари доктори, профессор
Деҳқонов А.	-ЎзРФА Алишер Навоий номидаги тил ва адабиёт институти илмий ходими, филология фанлари номзоди

Фаннинг ўқув дастури Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети Илмий-методик кенгашида тавсия қилинган (2008 йил "27" июн даги "9" -сонли баённома).

Кириш

Талабаларни мумтоз адабиёт намуналари билан аслиятдан таништириш бугунги адабиётшунос ва тилшуносларимиз учун ҳар қачонгидан долзарбдир. Бу мақсадни амалга ошириш учун эса қадимий манбаларнинг илмий танқидий матнини тайёрлаш галдаги вазифадир. Ўз тарихини яхши билган соҳа вакили жамиятнинг мустақил ва эркин (демократик) ривожланиши учун бой заҳира ҳисобланади.

Ўқув фанининг мақсади ва вазифалари

Фаннинг мақсади-магистрларда илмий танқидий матн назарияси бўйича билим, малака ва кўникма ҳосил қилиш, уларни миллий истиқлол гояси руҳида тарбиялаш ҳамда келажакда илмий фаолият билан шуғулланишлари учун замин ҳозирлаш.

"Илмий танқидий матн назарияси" фанининг **вазифалари** магистрларда шу фаннинг асосий масалалари мавзулари, хулосалари, умумлашмалари ҳақида тасаввур туғдириш, уларни матнни тўғри ўқиш ва таҳлил қилишга ўргатиш.

Фан бўйича магистрларнинг билими, кўникма ва малакасига қўйиладиган талаблар

"Илмий танқидий матн назарияси ва амалиёти" фани бўйича магистр қуйидагиларни ***билиши керак:***

- матншунослик фани предмети ва унинг асосий вазифалари;
- матншуносликнинг ривожланиш йўналишлари;
- матншунослик таҳлил объекти;
- таржима асарлари матнини ўрганиш.

"Илмий танқидий матн назарияси ва амалиёти" фани бўйича магистр қуйидаги ***кўникмаларни эгаллаган бўлиши керак:***

- матн тилини билиш;
- матн руҳидан хабардор бўлиш;
- фактларни ижодий ўзлаштириш жараёнида эркин иштирок.

"Илмий танқидий матн назарияси ва амалиёти" фани бўйича магистр қуйидаги ***малакаларга эга бўлиши керак:***

- матнни илмий танқидий ўрганиш характеридан хабардор бўлиш;
- адабий-тарихий, илмий матнларнинг тадқиқ усулига эга бўлиш.

Фаннинг ўқув режадаги бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқлиги ва услубий жиҳатдан узвий кетма-кетлиги

“Илмий танқидий матн назарияси ва амалиёти” фани матншуносликнинг бир йўналиши бўлиб, матнни ўрганишда адабиётшунослик, тилшунослик фанлари билан ўзаро узвий алоқада. Шу билан бирга, матншунослик тарих фанининг бир тармоғи сифатида ҳам иш кўради.

Фаннинг ишлаб чиқаришдаги ўрни

Умумтаълим мактаблари, академлицей ва касб-ҳунар коллежлари, шунингдек, олий мактаб филологик таълимини йўлга қўйишда ушбу фан муҳим аҳамият касб этади. “Илмий танқидий матн назарияси ва амалиёти” фанини тўлиқ ўзлаштириш нафақат таълим тизими, балки магистрантнинг мустақил илмий тадқиқот олиб бориши учун замин ҳозирлайди.

Фанни ўқитишда замонавий ахборот ва педагогик технологиялар

“Илмий танқидий матн назарияси ва амалиёти” фани қадимий қўлёзма, тошбосма асарларни ўрганишда матнларнинг электрон вариантларидан, шунингдек, комьютерлар, интернет, мавзуга оид слайд маълумотларидан кенг фойдаланади.

Асосий қисм

Фаннинг назарий машғулотлари мазмуни
“Илмий-танқидий матн” истилоҳи ва унинг моҳияти

Атаманинг истилоҳий маъноси. Илмий-танқидий матннинг хос хусусиятлари, бошқа нашрлардан фарқи.

Илмий-танқидий матн тузиш принциплари

Қўлёзмаларнинг таққослашнинг илмий тамойиллари. Таянч манбани аниқлаш усуллари. Илмий-танқидий матн тузиш бЎйича ўзбек ва жаҳон матншуносларининг тажрибалари.

Навоийнинг “Хамса” асари илмий-танқидий матни

“Хамса” достонларининг алоҳида тузилган илмий-танқидий матнлари. “Лайли ва Мажнун” илмий-танқидий матни. (Ғ.Каримов, П.Шамсиев). “Садди Искандарий” илмий-танқидий матни (П.Шамсиев, М.Ҳамидова), “Хамса” нинг яхлит илмий-танқидий матни (П.Шамсиев). “Хамса” илмий-танқидий матнини тузишнинг назарий асослари.

“Хазойин ул-маоний”нинг илмий-танқидий матнини тузиш принциплари

Кириш

Талабаларни мумтоз адабиёт намуналари билан аслиятдан таништириш бугунги адабиётшунос ва тилшуносларимиз учун ҳар қачонгидан долзарбдир. Бу мақсадни амалга ошириш учун эса қадимий манбаларнинг илмий танқидий матнини тайёрлаш галдаги вазифадир. Ўз тарихини яхши билган соҳа вакили жамиятнинг мустақил ва эркин (демократик) ривожланиши учун бой заҳира ҳисобланади.

Ўқув фанининг мақсади ва вазифалари

Фаннинг мақсади-магистрларда илмий танқидий матн назарияси бўйича билим, малака ва кўникма ҳосил қилиш, уларни миллий истиқлол ғояси руҳида тарбиялаш ҳамда келажакда илмий фаолият билан шуғулланишлари учун замин ҳозирлаш.

"Илмий танқидий матн назарияси" фанининг **вазифалари** магистрларда шу фаннинг асосий масалалари мавзулари, хулосалари, умумлашмалари ҳақида тасаввур туғдириш, уларни матнни тўғри ўқиш ва таҳлил қилишга ўргатиш.

Фан бўйича магистрларнинг билими, кўникма ва малакасига қўйиладиган талаблар

"Илмий танқидий матн назарияси ва амалиёти" фани бўйича магистр қуйидагиларни ***билиши керак:***

- матншунослик фани предмети ва унинг асосий вазифалари;
- матншуносликнинг ривожланиш йўналишлари;
- матншунослик таҳлил объекти;
- таржима асарлари матнини ўрганиш.

"Илмий танқидий матн назарияси ва амалиёти" фани бўйича магистр қуйидаги ***кўникмаларни эгаллаган бўлиши керак:***

- матн тилини билиш;
- матн руҳидан хабардор бўлиш;
- фактларни ижодий ўзлаштириш жараёнида эркин иштирок.

"Илмий танқидий матн назарияси ва амалиёти" фани бўйича магистр қуйидаги ***малакаларга эга бўлиши керак:***

- матнни илмий танқидий ўрганиш характеридан хабардор бўлиш;
- адабий-тарихий, илмий матнларнинг тадқиқ усулига эга бўлиш.

Фаннинг ўқув режадаги бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқлиги ва услубий жиҳатдан узвий кетма-кетлиги

“Илмий танқидий матн назарияси ва амалиёти” фани матншуносликнинг бир йўналиши бўлиб, матнни ўрганишда адабиётшунослик, тилшунослик фанлари билан ўзаро узвий алоқада. Шу билан бирга, матншунослик тарих фанининг бир тармоғи сифатида ҳам иш кўради.

Фаннинг ишлаб чиқаришдаги ўрни

Умумтаълим мактаблари, академлицей ва касб-ҳунар коллежлари, шунингдек, олий мактаб филологик таълимини йўлга қўйишда ушбу фан муҳим аҳамият касб этади. “Илмий танқидий матн назарияси ва амалиёти” фанини тўлиқ ўзлаштириш нафақат таълим тизими, балки магистрантнинг мустақил илмий тадқиқот олиб бориши учун замин ҳозирлайди.

Фанни ўқитишда замонавий ахборот ва педагогик технологиялар

“Илмий танқидий матн назарияси ва амалиёти” фани қадимий қўлёзма, тошбосма асарларни ўрганишда матнларнинг электрон вариантларидан, шунингдек, комьютерлар, интернет, мавзуга оид слайд маълумотларидан кенг фойдаланади.

Асосий қисм

Фаннинг назарий машғулотлари мазмуни
“Илмий-танқидий матн” истилоҳи ва унинг моҳияти

Атаманинг истилоҳий маъноси. Илмий-танқидий матннинг хос хусусиятлари, бошқа нашрлардан фарқи.

Илмий-танқидий матн тузиш принциплари

Қўлёзмаларнинг таққослашнинг илмий тамойиллари. Таянч манбани аниқлаш усуллари. Илмий-танқидий матн тузиш бЎйича ўзбек ва жаҳон матншуносларининг тажрибалари.

Навоийнинг “Хамса” асари илмий-танқидий матни

“Хамса” достонларининг алоҳида тузилган илмий-танқидий матнлари. “Лайли ва Мажнун” илмий-танқидий матни. (Ғ.Каримов, П.Шамсиев). “Садди Искандарий” илмий-танқидий матни (П.Шамсиев, М.Ҳамидова), “Хамса” нинг яхлит илмий-танқидий матни (П.Шамсиев). “Хамса” илмий-танқидий матнини тузишнинг назарий асослари.

“Хазойин ул-маоний”нинг илмий-танқидий матнини тузиш принциплари

"Хазойин ул-маоний"нинг қўлёзма манбалари. Девоннинг таянч манбаларини аниқлашда Ҳ.Сулаймон тажрибаси. Асар илмий-танқидий матнини аниқлашнинг назарий асослари.

Алишер Навоийнинг "Лисон ут-тайр" асари илмий-танқидий матнини яратиш тажрибаси

"Лисон ут-тайр"нинг дунё фондларида сақланаётган қўлёзмалари. Асарнинг Ш.Шарипов томонидан яратилган илмий-танқидий матни. Илмий-танқидий матнни яратишда таянилган назарий манбалар.

"Бобурнома" илмий-танқидий матнини яратиш муаммолари

"Бобурнома"нинг дунё фондларидаги қўлёзма манбалари. Асарнинг асл ва таржима нусхалари. Нашрлари. Илмий-танқидий матнини яратиш йўлидаги изланишлар. Асар матнидаги тушириб қолдирилган ва қўшилган ўринларни аниқлаш бўйича Беверiж хоним тажрибаси. "Бобурнома"нинг япон олими Эйжи Мано тузган илмий-танқидий матни. П.Шамсиев, С.Мирзаев, С.Ҳасанов каби ўзбек олимларининг асар матни устидаги илмий изланишлари. Асар илмий-танқидий матнини яратишнинг назарий асослари ва принциплари.

Огоҳийнинг "Таъвиз ул-ошиқин" асари илмий-танқидий матнини яратишнинг назарий асослари

"Таъвиз ул-ошиқин"нинг қўлёзма манбалари. Асарнинг таянч манбаларини аниқлаш принциплари. "Таъвиз ул-ошиқин" илмий-танқидий матнини яратишнинг назарий асослари.

Илмий-танқидий матн яратишнинг ечимини кутаётган долзарб муаммолари

Машраб, Мунис, Мухйи, Аваз Ўтар каби шоирлар девонининг илмий-танқидий матнини яратиш муаммолари. Илмий-танқидий матн яратиш бЎйича истиқбол режалар.

Амалий машғулотларни ташкил этиш бўйича кўрсатма ва тавсиялар

Амалий машғулотлардан магистрларнинг қўлёзма матнларни ўрганиш бўйича кўникмалар ҳосил қилиши ва эришилган натижаларни келгуси илмий тадқиқотларида қўллай билиши назарда тутилади. Амалий машғулотларни ўтказиш бўйича тавсия этиладиган тахминий мавзулар:

1. Илмий-танқидий матн тадқиқот объекти сифатида.
2. Йиғма матн масаласи.
3. Котиб, буюртмачи ва матн.
4. Шарқ маданиятида илмий-танқидий матн масаласи.

5. XX аср МДХ худудидаги илмий-танқидий матнлар нашрлари.
6. Каталоглар билан ишлаш.
7. Картотека билан ишлаш.
8. Эски Ўзбек тилда илмий-танқидий матнлар тузиш масаласи.
9. "Девони ҳикмат" қўлёзмалари масаласи.
10. Алишер Навоий асарлари нашрлари.
11. Халқ китоблари қўлёзмалари.
12. Матн тарихи ва асар матни муносабатлари.
13. Шарқшунослик институти фондида ишлаш.
14. Адабиёт музейи архиви ва қўлёзма фондида ишлаш.
15. Университет кутубхонасидаги қўлёзмалар устида ишлаш.
16. Хаттотлик ва илмий-танқидий матн.
17. Шарқшунослик институти фондида қўлёзмалар ва тошбосма нашрлар устида ишлаш.

Семинар машғулотларини ташкил этиш бўйича кўрсатма ва тавсиялар

Семинар машғулотлардан магистрларнинг қўлёзма ва у асосда илмий танҳидий матнларни ўрганиш бўйича кўникмалар ҳосил қилиши ва эришилган натижаларни келгуси илмий тадқиқотларида қўллай билиши назарда тутилади.

Семинар машғулотларни ўтказиш бўйича тавсия этиладиган тахминий мавзулар:

1. Таржима асарлари матнини ўрганиш.
2. Халқ оғзаки ижоди материалларини ўрганиш.
3. Босма нашрларни ўрганиш.
4. Матнларни нашрга тайёрлаш.

Матншунослик тадқиқоти, матнни бериш қоидаси, луғат ва изоҳлар, кўрсаткич тузиш принциплари, адабиётлар рўйхати

Мустақил ишни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни

Магистр мустақил ишни тайёрлашда "Илмий танқидий матн назарияси ва амалиёти" фанининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда қуйидаги ишларни амалга ошириши мақсадга мувофиқ бўлади:

- илмий танқидий матн таркиби ва тузилиши устида ишлаш;
- матн тарихи масаласи ва унинг хронологик тавсифи;
- "Саботул ожизин" матни устида ишлаш.

Тавсия қилинаётган мустақил иш мавзулари:

1. "Ҳайратул аброр"нинг илмий танқидий матни.
2. Матн тарихини тиклашда илмий твсифларнинг аҳамияти.

3. Айрим шоир ва адибларнинг турли фондлардаги қўлёзмалари ҳақида тадқикот олиб бориш.
4. "Саботул ожизин" нашрларидаги тафовутлар.

Турли давр ёзма манбалари учун хос бўлган ташқи белгилар

Дастурнинг информацион-методик таъминоти

"Илмий танқидий матн назарияси ва амалиёти" фанини ўқитишда таълимнинг замонавий усулларидан фойдаланиш кўзда тутилган.

- таълим методлари мавзусини ўтишда "кенг мулоҳаза" усулидан фойдаланилади;
- мавзуни ўргатишда матн тарихи моҳияти тушунтирилади;
- матннинг илмий тавсифини тузишда "ички ва ташқи омиллар" таснифи бЎйича иш олиб борилади.

Фойдаланиладиган дарсликлар ва ўқув қўлланмалар рўйхати

Асосий дарсликлар ва ўқув қўлланмалар

1.Алишер Навоий. Илк девон (факсимиле).-Тошкент, 1968.
2.Алишер Навоий. Хазойинул маоний. I-IV томлар,-Тошкент, 1960.
3.Исомиддинов З. Навоийнинг бенаво нашри Хуррият. 14 август, 2003 йил.
4.Рахмонов В. Матн ва матншунослик Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 1987. 10 декабрь.
5. Эркинов А. Матншуносликка кириш.

Қўшимча адабиётлар

6. Алишер Навоий "Хамса"нинг қўлёзмалари каталоги. Тузувчи: Қ.Муниров, М.Хакимов.-Тошкент. 1986.
7. Бельчиков Н.Ф. Литературное источниковедение. Москва. 1983.
8. Каталог фонда Института Рукописей. Том I, II. -Ташкент, 1988-89.
9. Лихачев Д.С. Текстология (на материале русской литературы X-XII вв.). Москва. 1962.
10. Мадраимов А.А. Манбашуносликдан маърузалар мажмуаси. Тошкент, 2001.
11. Нагиева Д. , М. Бакинские рукописи Алишера Навои. Баку. 1986.
12. Рейсер С.А. Основы текстологии. -Москва. 1978.
13. Рукописная книга в культуре народов востока. Книга I.-Москва. 1987.
14. Собрание восточных рукописей академии наук Узбекистана. Том I-XI.-Ташкент. 1951-1989.
15. Рукописная книга в культуре народов Востока. Книга I.-Москва. 1987.

16. Шамсиев П. Ўзбек матншунослигига оид тадқиқотлар.-Тошкент. 1986.
17. Хакимов М. Алишер Навоий асарларини кўчирган хаттотлар.-Тошкент, 1991.
18. Хакимов М. Навоий асарлари кўлёзмларининг тавсифи.-Тошкент. 1983.
19. Ҳакимова М. кўлёзма баёнлар-адабий манба. -Тошкент. 1981.

“ТАСДИҚЛАЙМАН”
Ўзбек филологияси факультети
декани _____ Н.ЖАББОРОВ
“____” _____ 2011 йил

Умумий соат	– 89 соат
Маъруза	– 34 соат
Амалий машғулот	– 26 соат
Семинар	– 24 соат
Рейтинг	– 5 соат

ИЛМИЙ-ТАНҚИДИЙ МАТН НАЗАРИЯСИ
фанидан

ИШЧИ ДАСТУР

Магистратура мутахассислиги:
5А220104 -Адабий манбашунослик ва матншунослик

Фаннинг ишчи ўқув дастури Ўзбекистон Миллий университетининг "Ўзбек филологияси" факультети Илмий кенгашининг 2011 йил _____ ___-мажлисида мухокама этилди ва маъқулланди.

Магистратура таълим йўналишининг Ўзбек филологияси мутахассислиги "ИЛМИЙ-ТАНҚИДИЙ МАТН НАЗАРИЯСИ" намунавий ўқув дастури ва ўқув режасига мувофиқ ишлаб чиқилди.

Тузувчи: Рашид Зоҳидов
филология фанлари номзоди
_____
(имзо)

Фаннинг ишчи ўқув дастури Ўзбек филологияси факультет Илмий кенгашининг 2011 йил —— август 1-карори билан тасдиқланди.

Илмий кенгаш раиси:
2011йил —— август _____ Н. Жабборов

Келишилди:

Кафедра мудири:
2011 йил —август _____ Р. Зоҳидов

Фаннинг ишчи ўқув дастурини ишлаб чиқиш тартиби

1. Умумий қоидалар

Фаннинг ишчи ўқув дастури (Ишчи дастур) – ўқув-услубий ҳужжат ҳисобланади ва у тасдиқланган фаннинг ўқув дастури асосида яратилади.

Ишчи дастурни ишлаб чиқишга асос бўлувчи меъёрий-ҳуқуқий-услубий ҳужжатлар:

– Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланган такомиллаштирилган Давлат таълим стандартлари, ўқув режаси ва ўқув дастури.

– олий таълим муассасасининг Устави.

– кадрлар истеъмолчиларининг таклиф ва тавсиялари, иш берувчиларнинг буюртмалари (шартнома, лойиҳа в.б.).

2. Фаннинг ишчи дастури ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ва амалга киритиш тартиби

Фаннинг ўқув машғулотлари бўйича таксимланиш миқдори (соати) тегишли ўқув режасига мувофиқ тузилади.

Ишчи дастур фандан **маъруза дарсини олиб борувчи профессор-ўқитувчи** томонидан тузилади.

Ишчи дастурни олий таълим муассасасининг **ўқув ишлари бўйича проректори** тасдиқлайди.

Ишчи дастур факультет Илмий кенгашида ҳар янги ўқув йили бошланишидан олдин муҳокама этилган бўлиши лозим.

Тасдиқланган ишчи дастурга ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш факультет Илмий кенгаши қарори ва тузувчи томонидан амалга оширилади (1-илова).

Ишчи дастур **уч нусхада** тайёрланади. Ишчи дастурнинг бир нусхаси кафедрада, иккинчи нусхаси олий таълим муассасасининг Илмий-услубий бирлашмасида ва учунчи нусхаси профессор-ўқитувчига ўқув ва услубий ҳужжат сифатида фойдаланиш учун берилади.

Ишчи фан дастури – таълим соҳасининг ўзига хос хусусиятларини ҳособга олган ҳолда таълим, фан, техника, технология ва ишлаб чиқаришнинг энг сўнги ютуқларини инобатга олинган ҳолда ишлаб чиқилиши ҳамда унда фанлараро узвийлик ва узлуксизлик таъминланган бўлиши, мавзуларнинг мантиқий кетма-кетлиги, оддийдан мураккабликка, хусусийдан умумийликка ўтиб бориш тамойилларига риоя этилиши зарур.

Ишчи дастурда ўқитиш жараёнининг замонавий педагогик ва ахборот технологиялари асосида ташкил этилиши, мавзуларнинг бир хил талқинда такрорланишига йўл қўйилмаслик талаб этилади.

3. Ишчи дастур тузилмаси ва мазмуни

3.1. Ўқув машғулотларини семестрлар бўйича соат тақсимоти

Фанлар бўйича ўқув машғулотларининг семестрлар бўйича соат тақсимоти муайян таълим йўналиши (мутахассислик) ўқув режасига мувофиқ тузилади. Ишчи дастур ҳар бир фаннинг хусусиятига мос ҳолда тузилади. Дастурда талабаларга алоҳида тавсиялар келтирилади. Фанни чуқур ўрганиш учун услубий кўрсатмалар яратилиши максадга мувофиқ. Ишлаб чиқилган кўргазма материаллар ва услубий ишламалар кафедра йиғилишида муҳокама этилиши лозим.

Фаннинг умумий мазмуни мавзулар бўйича таксимлаб, ҳар бир мавзуга ажратиладиган аудитория машғулотлари турига караб ҳажми белгиланади.

Дастурнинг тузилмаси қўйидагилардан ташкил топади:

– фандан ўтиладиган мавзулар ва улар бўйича машғулот турларига ажратилган соатларнинг тақсимоти;

– маъруза мавзулари;

– амалий, семинар, лаборатория машғулотларини ташкил этиш бўйича мавзулари, кўрсатма ва тавсиялар;

– мустақил ишларни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни;

– курс иши, лойиҳа ва чизма-ҳисоблар бўйича мавзулари ва услубий кўрсатмалар;

– Ёзма иш саволлари амалий машғулотларнинг мавзулари асосида ҳар синовда алоҳида тайёрланади;

– информацион-услубий таъминоти;

– ўзлаштириш назорати;

– асосий дарсликлар ва ўқув қўлланмалар рўйхати.

3.2. Фаннинг мазмуни

Ишчи дастурни яратиш жараёнида ёшлар таълим-тарбиясининг шакллантирилишида мавзуларнинг мантиқий кетма-кетлиги, миллий ғоя, фан, техника, технологиянинг энг сўнги ютуқлари, олий таълим муассасасида тайёрланадиган кадрларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳамда иш берувчи корхоналарнинг таклиф ва тавсияларини инобатга олинган ҳолда Республикада жорий этилган узлуксиз таълим тизимининг таълим турлари ўртасидаги узвийлик ва узлуксизликни таъминланиши, республика иқтисодиётининг инфраструктураси ва унинг истиқболдаги ривожланиш тенденциялари, тарихий қадриятлар, оддийдан мураккабликка, хусусийдан умумийликка ўтиб бориш тамойилларига амал қилиниши шарт.

Ишчи дастурда таълим олувчиларнинг мустақил билим олиши, изланиши учун имконият яратилиши, ўқитиш жараёнини замонавий педагогик ва ахборот технологиялари асосида ташкил этилишига, мавзуларнинг бир хил талқинда такрорланмаслигига эътибор берилиши зарур.

3.3. Мавзулар номи, уларнинг мазмуни, маъруза машғулотларининг соатдаги ҳажми.

Олий таълим муассасасида ўқув материалларини оғзаки баён этишда маъруза алоҳида ўрин тутади. У ўқув курсининг назарий материалини баён қилиш усули бўлиб, таълим олувчиларнинг яхлит ва тугалланган ҳолатдаги билимларни қабул қилишни таъминлайди.

Маъруза машғулотларида ўқув фани бўйича тизимга солинган илмий билимлар берилиши, муайян фан соҳасининг ривожланиш ҳолати ва истиқболларини очилиши, таълим олувчилар диққатини бирмунча мураккаб, муаммоли саволларга жалб этилиши, уларнинг билиш фаолияти рағбатлантириши ва ижодий фикрлаши шакллантирилиши лозим. Мустақил ўзлаштириладиган мавзулар бўйича ҳам алоҳида тавсиялар ва кўрсатмалар берилади.

Маъруза машғулотларини ташкил этишда ноанъанавий усуллар ва интерфаол методлардан фойдаланиш ҳам мумкин.

Курс бўйича маъруза, амалий, лаборатория ва семинар машғулотлари дастури 2-иловада келтирилган шаклда тузилади.

Ишчи дастурда фан бўйича мавзулар кўрсатилади ва улар кетма-кет жойлаштирилади. Мавзулар сони аудитория соатларига тўғри келишига эътибор қилинади.

Ишчи дастур мазмунида ўқиладиган маъруза ва ўтказиладиган амалий (лаборатория, семинар) машғулотлар режаси, фанни ўрганиш бўйича (мустақил тайёргарлик, 3-илова) саволлар, курс ва битирув ишлари, магистрлик диссертациялари (рефератлар), уй ишлари ва бошқа топшириклар бўйича услубий кўрсатмалар, фаннинг режаси, ёзма иш саволлари, тестлар тўплами, якуний аттестация ва давлат аттестациясида фойдаланиши мумкин бўлган материаллар, информацион-услубий таъминоти, ўзлаштириш назорати ва фанни ўрганишда тавсия этилаётган адабиётлар рўйхати берилиши лозим.

Амалий (семинар) машғулотлар тўғрисида дастурда қўйидагилар белгиланади:

– амалий (семинар) машғулотлари маъруза курсининг қайси бўлими ва мавзусига тегишли эканлиги;

– машғулот тартиби ва мазмуни;

– дарснинг соат ҳисобидаги давомийлиги.

3.4. Ўқув-услубий адабиётлар рўйхати

Ишчи ўқув дастурининг асосий адабиётлар рўйхатига дарслик ва ўқув қўлланмаларининг янги авлодини олий таълим муассасаси ва кутубхона (АРМ)ларида мавжуд эканлигини ҳисобга олган ҳолда киритиш лозим. Адабиётлар рўйхати ягона изчил тартибда тузилади. Қўшимча адабиётлар асосий адабиётлардан сарлавҳа билан ажратилган ҳолда келтирилади.

“Илмий-танқидий матн назарияси” фанидан ўтиладиган мавзулар ва улар бўйича машғулот турларига ажратилган соатларнинг тақсимоти

Т/р	Фаннинг бўлими ва мавзуси, маъруза мазмуни	Соатлар			
		Жами	Маъруза	Семинар	Амалиёт
1.	Илмий-танқидий матн тузиш принциплари	4	2		2
2.	Таянч ва ёрдамчи нусхалар	4	2		2
3.	Автограф нусха. Унинг илмий-танқидий матн тузишдаги аҳамияти	4	2		2
4.	Навоий асарларининг илмий-танқидий матнларини тузиш тарихи	4	2	2	
5.	“Хамса”нинг илмий-танқидий матни	4	2		2
6.	Порсо Шамсиевнинг матншунослик фаолияти	4	2	2	
7.	“Зарбулмасал”нинг илмий-танқидий матни ҳақида	4	2		2
8.	Илмий-танқидий матн учун қўлёзмаларни танлаш принциплари	4	2	2	
9.	Илмий-танқидий матнга босма нусхаларни жалб этиш	4	2		2
10.	Йиғма-киёсий матн ҳақида маълумот	4			2
11.	Факсимил нашрлар. Уларнинг аҳамияти	4	2		2
12.	Ҳозирда илмий-танқидий матни яратилиши зарур бўлган асарлар	4	2	2	
13.	Илмий-танқидий матнда қўлланадиган шартли текстологик белгилар	4	2		2
14.	Таржима асарлар матнини ўрганиш	4	2	2	
15.	Замонавий адиблар асарларини нашрга тайёрлаш принциплари	4	2		2
16.	Илмий-танқидий матн муаммолари	4	2	2	
17.	Илмий аппарат таркиби	4	2		2
18.	Илмий-танқидий матн тузишда интернет имкониятлари	4	2	2	
19.	Қўлёзмаларни ўрганиш боскичлари	4		2	2
20.	Ўзбекистонда матншуносликнинг	2		2	

	ривожланиши				
21.	Қадимий ёзма ёдгорликларни нашр этиш	3		1	2
	Жами	79 соат	34 соат	19 соат	26 соат

1. МАЪРУЗА МАЗМУНИ

Фаннинг максади-магистрларда матнни ўқиш, турини аниқлаш, матннинг ёзилиш даврини ва унинг кўчирилган вақтини белгилаш, умуман, илмий-танқидий матн назарияси бўйича билим, малака ва кўникма ҳосил қилиш, уларнинг келажакда илмий тадқиқот олиб боришлари учун замин ҳозирлаш.

Жаҳон матншунослик фанида умумий бўлган қонун-қоидалар, тамойиллар ҳақида тасаввур бериш, уларни ўзбек матншунослигига тадбиқ қилишни ўргатиш. Ўзбек матншунослигининг ўзига хос хусусиятлари ҳақида маълумот бериш. Матншунослик фанининг бошқа фанлар, хусусан, адабиётшунослик, тарих, тил тарихи, ислом тарихи каби фанлар билан алоқадорлиги. Ўзбек матншунослари амалга оширган ишлар.

"Илмий-танқидий матн назарияси" фанининг **вазифалари** магистрларда шу фаннинг асосий масалалари, мавзулари, хулосалари, умумлашмалари ҳақида тасаввур туғдириш, уларни матнни тўғри ўқиш ва таҳлил қилишга ўргатиш.

2. ДАРС МАВЗУЛАРИ ТАҚСИМОТИ

1. Илмий-танқидий матн тузиш принциплари
2. Таянч ва ёрдамчи нусхалар
3. Автограф нусха. Унинг илмий-танқидий матн тузишдаги аҳамияти
4. Навоий асарларининг илмий-танқидий матнларини тузиш тарихи
5. "Хамса"нинг илмий-танқидий матни
6. Порсо Шамсиевнинг матншунослик фаолияти
7. "Зарбулмасал"нинг илмий-танқидий матни ҳақида
8. Илмий-танқидий матн учун қўлёзмаларни танлаш принциплари
9. Илмий-танқидий матнга босма нусхаларни жалб этиш
10. Йиғма-қиёсий матн ҳақида маълумот
11. Факсимил нашрлар. Уларнинг аҳамияти
12. Ҳозирда илмий-танқидий матни яратилиши зарур бўлган асарлар
13. Илмий-танқидий матнда қўлланадиган шартли текстологик белгилар
14. Таржима асарлар матнини ўрганиш
15. Замонавий адиблар асарларини нашрга тайёрлаш принцплари

16. Илмий-танқидий матн муаммолари
17. Илмий аппарат таркиби
18. Илмий-танқидий матн тузишда интернет имкониятлари
19. Қўлёзмаларни ўрганиш босқичлари
20. Ўзбекистонда матншуносликнинг ривожланиши
21. Қадимий ёзма ёдгорликларни нашр этиш

Мустақил ишни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни

Магистр мустақил ишни тайёрлашда "Илмий-танқидий матн назарияси" фанининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан холда қуйидаги ишларни амалга ошириши максадга мувофиқ бўлади:

- илмий-танқидий матн назарияси ва амалиёти ҳақида;
- қадимий матнларнинг ўзига хос хусусиятлари;
- илмий-танқидий матн учун матн йиғиш масаласи;

Тавсия қилинаётган мустақил иш мавзулари:

1. Илмий-танқидий матн тузиш юзасидан рус ва ўзбек матншуносларининг энг эътиборли ишларини кўриб чиқиш.
2. Илмий-танқидий матни тузилиши зарур бўлган асарлар нусхалари билан танишиш.
3. Жахон қўлёзма фондларидаги маданий меросимизга оид манбалар билан танишув.

Дастурнинг информацион-методик таъминоти

"Илмий-танқидий матн назарияси" фанини ўқитишда таълимнинг замонавий усулларидан фойдаланиш кўзда тутилган.

- таълим методлари мавзусини ўтишда "кенг мулохаза" усулидан фойдаланилади;
- мавзуни ўргатишда матн тарихи моҳияти тушунтирилади;
- матннинг илмий тавсифини тузишда "ички ва ташқи омиллар" таснифи бЎйича иш олиб борилади.

Фойдаланиладиган дарсликлар ва ўқув қўлланмалар рўйхати

Асосий дарсликлар ва ўқув қўлланмалар

1. Лихачев Д.С. Текстология (на материале русской литературы X-XII вв.). Санкт-Петербург. 2001.

ALISHER NAVOIY NOMIDAGI
1239
TOSHDO'TAU
AXBOROT-RESURS MARKAZI

2. Рейсер С.А. Палеография и текстология нового времени– Л.Просвещение. 1970
3. Правила подготовки к изданию памятников литературы Востока.–М.: ИВЛ, 1959.
4. Шамсиев П. Алишер Навоийнинг "Сабъаи сайёр" достонининг илмий-танқидий матни ва уни тузиш принциплари: Филол.фанлари номзод...дисс. автореф. – Тошкент, 1952. – 19б.
5. Алишер Навоий. Илк девон (факсимиле).-Тошкент, 1968.
6. Алишер Навоий. Хазойинул маоний. I-IV томлар,-Тошкент, 1960.
7. Алишер Навоий. Мажолис ун-нафоис. Илмий-танқидий текст. Тузувчи. С.Ғаниева.-Т.: 1961
8. Алишер Навоий. Хазойинул-маоний. Илмий-танқидий текст асосида нашрга нашрга тайёрловчи. Ҳ.Сулаймон.--Т.:1959.
9. Раҳмонов В. Матн ва матншунослик. Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 1987. 10 декабрь.
10. Эркинов А.С. Матншуносликка кириш. Тошкент. 1997 й.

Қўшимча адабиётлар

1. Махмудова Р. Ўзбекистондаги тошбосма матбааларда Навоий асарларининг нашр этилиши тарихидан. // Адабий мерос. – 1968. -№ 1. –Б. 98-103.
2. Жабборов Н. Фуркат асарларининг қўлёзма манбалари. Филол.фанлари номзод...дисс. автореф. – Тошкент, 1994.
3. Ҳабибуллаев А. Адабий манбашунослик ва матншунослик. – Тошкент: Тошкент Давлат Шарқшунослик институти, 2000.
4. Алишер Навоий "Хамса"нинг қўлёзмалари каталоги. Тузувчи: Қ.Муниров, М.Хакимов.-Тошкент. 1986.
5. Бельчиков Н.Ф. Литературное источниковедение. Москва. 1983.
6. Каталог фонда Института Рукописей. Том I, II. -Ташкент, 1988-89.
7. Султонов И. Навоийнинг "Мезон ул-авзон"и ва унинг критик тексти.

“ИЛМИЙ-ТАНҚИДИЙ МАТН НАЗАРИЯСИ ВА АМАЛИЁТИ” ФАНИДАН АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ, СЕМИНАРЛАР УЧУН КАЛЕНДАР РЕЖА

№	Мавзу	Соат			Ўтилади-ган вакт
		Семи-нар	Маъ-руза	Ама-лиёт	
1.	Фан ҳақида умумий маълумот		2		
2.	Илмий-танқидий матн тузиш принциплари		2		
3.	Таянч ва ёрдамчи нусхалар		2		
4.	Автограф нусха. Унинг илмий-танқидий матн тузишдаги аҳамияти		2		
5.	Навоий асарларининг илмий-танқидий матнларини тузиш тарихи		2		
6.	“Хамса”нинг илмий-танқидий матни		2		
7.	Порсо Шамсиевнинг матншунослик фаолияти		2		
8.	“Зарбулмасал”нинг илмий-танқидий матни ҳақида		2		
9.	Илмий-танқидий матн учун қўлёзмаларни танлаш принциплари		2		
10.	Илмий-танқидий матнга босма нусхаларни жалб этиш		2		
11.	Йиғма-қиёсий матн ҳақида маълумот		2		
12.	Факсимил нашрлар. Уларнинг аҳамияти		2		
13.	Ҳозирда илмий-танқидий матни яратилиши зарур бўлган асарлар		2		
14.	Илмий-танқидий матнда қўлланадиган шартли текстологик белгилар		2		
15.	Таржима асарлар матнини ўрганиш		2		
16.	Замонавий адиблар асарларини нашрга тайёрлаш принциплари		2		
17.	Илмий-танқидий матн муаммолари		2		
18.	Илмий аппарат таркиби			2	

19.	**Амалий машғулот**			**2**	
20.	**Амалий машғулот**			**2**	
21.	Жорий назорат			**2**	
22.	**Амалий машғулот**			**2**	
23.	**Амалий машғулот**			**2**	
24.	**Амалий машғулот**			**2**	
25.	**Амалий машғулот**			**2**	
26.	Оралиқ назорат			**2**	
27.	**Амалий машғулот**			**2**	
28.	**Амалий машғулот**			**2**	
29.	**Амалий машғулот**			**2**	
30.	**Амалий машғулот**			**2**	
31.	**Семинар**	**2**			
32.	**Семинар**	**2**			
33.	**Семинар**	**2**			
34.	**Жорий назорат**	**2**			
35.	**Оралиқ назорат**	**2**			
36.	**Семинар**	**2**			
37.	**Семинар**	**2**			
38.	**Семинар**	**2**			
39.	**Якуний назорат**	**2**			
	Жами:	**18**	**34**	**26**	

"Илмий-танқидий матн назарияси ва амалиёти" фанидан ўтказиладиган **семинар машғулот**ларида талабалар фан юзасидан олган назарий билимларини амалиётга тадбиқ қилиш ва қўлёзмалар билан мустақил ишлай олиш кўникмаларини шакллантириш кўзда тутилади. Бунинг учун юқорида кўрсатилган мавзулар юзасидан амалий адабиётлар тавсия этилади ва талабалар қўйилган муаммонинг ечимини тавсия этилган адабиётлар билан танишган ва уларга таянган

ҳолда ҳал этишлари лозим бўлади. Масалан, “Зарбулмасал”нинг илмий-танқидий матни ҳақида” мавзуси бўйича Фатхиддин Исхоковнинг “Зарбулмасал”нинг илмий-танқидий матни” номли китоби, “Илмий аппарат таркиби” мавзуси бўйича эса Е.И.Прохоровнинг “Текстология” ҳамда А.Ўринбоев нашрга тайёрлаган Абдураззоқ Самарқандийнинг “Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн” китоблари тавсия этилади ҳамда талабалардан ушбу фаннинг назарий асосларига таяниб, амалий муаммоларни ҳал қилиш талаб қилинади.

Талабалар мавзуга тайёргарлик кўриб келишади ва семинар машғулотида ҳар бир талаба чиқиш қилади, қолганлар унга савол беришиб, муаммонинг назарий асослари қанчалик ўзлаштирилгани, талабанинг қўлёзма билан ишлай олиш қобилияти аниқланади.

Амалий машғулотларда эса, талабалар ўқитувчининг маърузаси ҳамда семинар машғулотларида ўзлаштирилган назарий қарашлар асосида амалий фаолиятни йўлга қўйиш кўникмалари шакллантирилади. Бу машғулотларда шунчаки билиб қўя қолиш эмас, балки қилиб кўриш, амалга ошириш каби иш турларидан фойдаланилади. Бунинг учун талабалар муайян мавзу юзасидан мутахассис сифатида кўрсатадиган мустақил фаолиятининг моделини ясаб бериши керак бўлади.

Амалий машғулотларда имкон қадар кўпроқ илмий-танқидий матн назарияси ва амалиёти матншунослик назарияси бўйича олинган билимларни амалиётга тадбиқ қилиш кўзда тутилади. Жаҳонда ушбу фанда эришилган ютуқларни ўзбек матншунослигига тадбиқ қилиш йўл-йўриқлари қоидалари ўргатилади. Европада ва Шарқда, хусусан, Ўзбекистонда бу фаннинг умумий ва ўзига хос жиҳатлари

текширилади. Ўзбек матншунослигида амалга оширилиши керак бўлган биринчи галдаги вазифалар билан талабалар таништирилади. Бу фанда амалиётнинг ўрни алоҳида аҳамиятга эга. Талаба иложи борича кўпроқ матн устида ишлаши, араб хатининг турли ёзувларида ёзилган матнларни ўқиш малакасига эга бўлиши кўзда тутилади. Амалий машғулотларда ҳар бир талабанинг матн билан ишлаш малакасини ҳосил қилиш ва уни такомиллаштириш мақсад қилинади.

Тузувчи: филология фанлари номзоди
Р.Зоҳидов

“ИЛМИЙ-ТАНҚИДИЙ МАТН НАЗАРИЯСИ ВА АМАЛИЁТИ” ФАНИДАН БАҲОЛАШ МЕЗОНЛАРИ

1. “Илмий-танқидий матн назарияси ва амалиёти” фанидан талабаларнинг билимларни ўзлаштириш ва кўникма-малакаларни эгаллаганлик даражаси рейтинг асосида баллар орқали аниқланади ва қайд этилади.

2. “Илмий-танқидий матн назарияси ва амалиёти” фани бўйича талабанинг семестр давомидаги ўзлаштириш кўрсаткичи 100 баллик тизимда баҳоланади.

Умумий балл назоратнинг жорий, оралиқ, якуний каби 3 тури бўйича қуйидагича тақсимланади:

якуний назоратга – 30 балл;
оралиқ назоратларга – 20 балл;
жорий назоратларга – 15 балл.

Оралиқ назоратлар камида икки марта ўтказилади, жорий назоратлар ҳам камида икки марта ўтказилиши ва шулар воситасида юқорида қайд этилган баллар йиғилиши лозимлиги кўзда тутилади. Жорий назоратлар миқдори мавзуларнинг қўламига, оғир-енгиллигига кўра белгиланади.

3. Талабанинг фан бўйича ўзлаштириш кўрсаткичини белгилашда қуйидаги педагогик ўлчовларга амал қилинади:

а) 86-100 балл тўплаш учун талаба эгаллаган билим, кўникма ва малакалар қуйидаги талабларга жавоб бериши лозим:

- ижодий фикрлай олиши;
- фан бўйича юқори амалий малакага эга бўлиши;
- мустақил карор қабул қилиши;
- мустақил фикр юрита олиши;
- олган билимларини тажрибада қўллай олиши;
- фаннинг моҳиятини тушуниши;
- шу фанга доир барча илмий тушунчаларни билиши;
- илмий-танқидий матн назарияси ва амалиёти фани юзасидан ўрганганларини амалиётга тўлиқ тадбиқ қила олиши керак.

б) 71-85 балл олиш учун талаба эгаллаган билим, кўникма ва малакалар қуйидаги талабларга жавоб бериши лозим:

- фанга тегишли асосий илмий тушунчаларни билиши;
- фан бўйича етарли амалий малакага эга бўлиши;
- олган билимларини амалда қўллай билиши;
- тушунчаларнинг моҳиятини англаши;
- шу фан юзасидан олган билимларини амалиётга тадбиқ эта олиши лозим.

в) 56-70 балл олиш учун талаба эгаллаган билим, кўникма ва малакалар қуйидаги талабларга жавоб бериши лозим:

- фаннинг моҳиятини тушуниши;
- энг муҳим тушунчаларни билиши;
- фан юзасидан олган билимларини амалиётда қўллай олиши
- "Илмий-танкидий матн назарияси ва амалиёти" фани юзасидан олган билимларини амалда қўллаш кўникмаларини ўзлаштириши.

в) талабанинг билим, кўникма ва малакалари 0-55 балл билан қуйидаги ҳолларда баҳоланади:

- фаннинг моҳиятини аниқ билмаслик;
- матн билан ишлаш амалиётига эга эмаслиги;
- жорий ва назорат ишларини сабабсиз бажармаслик;
- фаннинг амалиётдаги ўрни тўғрисида илмий тасаввурга эга бўлмаслик.

Талабаларнинг жорий, оралиқ назорат ишларидан олган баҳолари олинган кундан **ўн кундан ортиқ бўлмаган вақт ичида** эълон қилинади. Якуний назорат баҳолари эса, **ўша куннинг ўзида, кечи билан эртасига** талабаларга билдирилади.

Тузувчи: филология фанлари номзоди
Р.Зохидов

ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИ

"Илмий-танқидий матн назарияси ва амалиёти" фанида етарлича самара билан қўллаш мумкин бўлган интерфаол усуллардан бири "айлана" деб номланади. Ёзма ёки оғзаки шаклда ўтказилиши мумкин бўлган мазкур усулда битта савол ёки бир гурух саволларга ҳар бир талаба алоҳида жавоб берилиши кўзда тутилади.

"Айлана" усулидан фойдаланганда ҳам талабаларга бериладиган савол ёки муаммо бир неча тўғри жавобга эга бўлишига эътибор қаратилиши лозим. Демак, аник ва бир хил далиллар ўзлаштирилиши кўзда тутиладиган машғулотларда бу усулдан фойдаланиб бўлмайди. "Айлана" усули бирор адабий каҳрамон ёки тимсоллар гуруҳининг хатти-ҳаракатларига баҳо бериш, муносабат билдириш, ҳар бир талабанинг нуқтаи назарини англатиш талаб этиладиган мавзуларни ўрганишда кутилган самарани бериши мумкин.

Порсо Шамсиевнинг "Сабъаи сайёр" достонининг илмий-танқидий матнини ўрганишда гуруҳдаги талабалар уч кишилик иккита кичик гуруҳларга бўлинади, ҳар бир кичик гурух олдига биттадан муаммо қўйилади ва муаммонинг ечими учун сарфланадиган вакт белгиланади. Кичик гурухдаги ҳар бир талаба муаммога ўз ечимини таклиф қилади. Тушунарлирок бўлиши учун бу жараённи куйидагича ифодалаш мумкин:

Дастлаб 1- кичик гуруҳ олдига "*Сабъаи сайёр" достонининг илмий-танқидий матнини* ўқиб, изоҳланг" топшириғи берилади.

Иккинчидан, кичик гуруҳга шу топширик ёзилган битта катта коғоз ва битта ручка берилади.

Учинчидан, биринчи талаба фамилияси ва ўз жавобини ёзади.

Тўртинчидан, кейин коғозни ўнг томонида ўтирган гуруҳдошига узатади. 2- талаба ўз фамилияси ва жавобини ёзади.

Бешинчидан, иккинчи талаба ҳам коғозни ўнг томонидаги шеригига узатади. У ҳам фамилияси ва хаёлида тайёрлаб турган жавобини ёзади. Шу тарика, коғоз айланаверади, муаммога берилган жавоблар сони кўпаяверади. Вакт етишига караб, кичик гуруҳ аъзолари муаммога бир неча мартадан жавоб ёзишлари ҳам мумкин.

Олтинчидан, белгиланган вакт тугагач, гурух ўз ишини якунлайди.

"Илмий-танкидий матн назарияси ва амалиёти" фанида мазкур усулни қўллашда ўкитувчи кичик гуруҳлардан олинган жавоблардан кандай фойдаланишни олдиндан ўйлаб кўйиши керак бўлади. Чунки олинган жавоблардан белгилаб кўйилган таълимий максадларда фойдаланилмаса, таълим иштирокчилари бу усулни жиддий кабул килмай, савол-топширикларга шунчаки жавоб бериб кўя колишади. Берилган жавоблар эса ўкув жараёнининг тугаши эмас, балки бошланиши бўлади.

Бу усулнинг афзал жиҳатлари шундаки, унда барча талабалар бир-бирларининг жавобларидан хабардор бўлишади ва олдинги жавобларни такрорламасликка, янги қирраларини илғашга интилишади.

Юқоридаги айни мавзу таълимнинг интерфаол усулларидан яна бири "қарорлар шажараси" методида ҳам ўрганилиши мумкин. Бунда ҳам талабалар кичик гуруҳларга бўлинишади ва ҳар бир кичик гуруҳ бирор матнга хос илмий, бадиий, амалий хусусиятларнинг бирор жиҳатини матндан ўқилган аниқ далиллар асосида очиб берадилар. Порсо Шамсиевнинг "Сабъаи сайёр" достонини амалиёт гуруҳидаги 6-9 талаба мантга хос турли-туман хусусиятларни асар матнига таянган ҳолда ўрганиб чиқадилар. Натижада матннинг энг ички, қуролланмаган назарга ташланавермайдиган қирралари ҳам майдонга чиқади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

"ИЛМИЙ-ТАНҚИДИЙ МАТН НАЗАРИЯСИ ВА АМАЛИЁТИ" ФАНИДАН МАЪРУЗА МАТНЛАРИ

Тузувчи: ф.ф.н. Рашид Зохидов

ТОШКЕНТ – 2011

1-МАВЗУ: ИЛМИЙ-ТАНҚИДИЙ МАТН ТУЗИШ ПРИНЦИПЛАРИ

Режа:

1. Илмий-танқидий матн тушунчаси.
2. Илмий-танқидий матнга заруратнинг келиб чиқиши.
3. Адабий меросимиз намуналари илмий-танқидий матнини тузишнинг ўзига хосликлари.

Калит сўзлар:

Илмий-танқидий матн, қўлёзма, асл нусха, автограф нусха, вариантлар, адабий мерос, матн тарихи, қадимий ёзма ёдгорликлар.

Ёзма ёдгорликларнинг қадимий, ишончли бир неча нусхалари асосида уларни солиштириб, қиёслаб, улар ичидан биттасини таянч нусха қилиб олган ҳолда яратилган нусха илмий-танқидий матн, деб аталади. Бу нарса кучли мутахассислик, фактлардан назарий хулосалар чиқара олиш қобилияти, матнлар устида ишлай олиш малакасини талаб қилади. Илмий-танқидий матн тузиш учун аввало манба керак. Мутахассис бўлса-ю, манба бўлмаса илмий-танқидий матн ҳақида сўз ҳам бўлиши мумкин эмас.

"Илмий-танқидий" сўзининг луғавий маъноси "илмий танлаб олиш" дегани бўлиб, ҳозирда матншунослик терминологиясида "илмий нуктаи назардан, илмий текширишлар асосида танлаб олиш", деган тушунчани беради. Илмий-танқидий матнларни тузишдан олдин асар мавжуд қўлёзмалар асосида нашрга тайёрланади. Илмий-танқидий матн тузиш асарнинг оммабоп ёки бошқа нашрларини чоп этишни инкор этмайди. Масалан, Алишер Навоий "Хамса"си достонларининг илмий-танқидий матнлари тузилгунича уларнинг бир неча нашрлари амалга оширилди. Илмий-танқидий матн тузилгандан кейин ҳам турли мақсадларга

мўлжалланган: мактаб ўқувчилари учун, қискартирилган ёки уларнинг насрий баёнлари нашр этилди.

Матн тузиш танқидий йўл билан бўлганда ҳамма вақт ва ҳар қандай котиб қўлёзмасига танқид кўзи билан караш керак бўлади. Бор нарсаларни бир бошдан кўчиравериш ва кўз илғаган ҳамма майда-чуйдаларни қайд этавериш матншуносни асосий максаддан чалғитиб қўйиши мумкин. Бундай ҳолларда мутахассис албатта зарурни нозарурдан ажрата билиши, масаланинг моҳиятидан чалғимаслиги, қийналган жойларида соҳанинг бошқа мутахассисларидан маслаҳат сўраб мурожаат қилишдан тортинмаслиги керак. Илмий-танқидий матн тузиш гарчи бир мутахассис томонидан амалга оширилса ҳам, лекин бу ишнинг назоратини кучли мутахассислардан иборат бўлган гуруҳ назорат қилиши керак. Шундагина чинакам маънодаги илмий-танқидий матнни тузишга эришиш мумкин. Чунки кўпчилик бош қўшган ишда акллар бирлашади, мулоҳазалар ўртага ташланади. Бир киши кўрмаган камчиликни бошқа биров кўриб тузатади. Илмий-танқидий матнга ҳаддан ташқари кўп нусхаларни жалб қилиш ҳам яхши самара бермаслиги мумкин. Бу матншуносни қийнаб қўяди. Бу хусусда Е.Э.Бертельс Фирдавсий "Шоҳнома"сига ёзган сўзбошида шундай дейди: "Матн тайёрлашда биз салафларга нисбатан бошқачароқ усулда иш олиб бордик. Мавжуд босма нашрлар ишга жалб қилинмади. Аниқ сана ва ва қўлёзма материалнинг жиддий фиксацияси матнга оид ишнинг биринчи шартларидандир. Матнга дунё фондларидаги ҳисобсиз қўлёзмаларни жалб қилиш ҳам ортиқча ўзгаришга олиб келган ва асл матнга яқинлашишга йўл қўймаган бўлар эди. Шунинг учун бизнинг нашримиз асосига матннинг энг қадимий тасаввурини берувчи қўлёзмалар олинди".

Йирик олимнинг бу фикри матн материалини саралаб олиш учун энг зарур йўл-йўриқ ва кўрсатмаларни беришда қўлланма бўла олади. Албатта бу қоидани ҳамма матнларга ҳам қўллаб бўлмайди. Бунда ҳар бир асарга ўзига хос ёндошиш талаб қилинади.

2-МАВЗУ: ТАЯНЧ ВА ЁРДАМЧИ НУСХАЛАР

Режа:

1. Таянч нусха ҳақида маълумот.
2. Ёрдамчи нусханинг аҳамияти.

Калит сўзлар:

Таянч нусха, ёрлдамчи нусха, муаллиф матни, нусхаларни фарқлаш, илмий-танқидий матн, қўлёзма, тошбосма нусха.

Муайян адабий асарнинг, ёзма ёдгорликнинг илмий-танқидий матнини тайёрлашда нусхалар ичидан биттасини таянч қилиб олинади. Бу нусха ўқ вазифасини ўтайди. Қолган нусхалар эса шунинг атрофида бирлаштирилади. Мунозарали ҳолатларда, вариантлардан қайси бирини танлаш муаммоси туғилганда кўпинча таянч нусхадаги вариантни олинади. Асарнинг муаллиф қўли билан кўчирилган, муаллиф назорати остида ёки муаллиф ҳаётлигида кўчирилган нусхаси мавжуд бўлса, мана шу нусхани одатда таянч нусха қилиб олинади. Чунки муаллиф назоратидан ўтганлиги уларнинг ишончлилик даражасини ошириб юборади. Айниқса автограф нусха қимматли ҳисобланади. Чунки уни муаллиф ўз қўли билан кўчирган бўлади. Масалан, XIXасрнинг иккинчи ярми, XX асрнинг бошларида яшаб ўтган Муҳаййир девонининг шоирнинг ўз қўли билан кўчирилган икки нусхаси мавжуд. Улардан бири қоралама, иккинчиси эса унинг оққа кўчирилган вариантидир. Ушбу шоир девонининг мана шу икки нусхасининг ўзиёқ девоннинг илмий-танқидий матнини тузиш имконияти мавжудлигини билдиради.

Яна бир мисол, матншунос Порсо Шамсиев Алишер Навоий “Хамса”сининг илмий-танқидий матнини тузиш учун олтита қўлёзмадан фойдаланган. Таянч нусха қилиб эса Навоий ҳаётлигида кўчирилган ЎзФА

Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти Қўлёзмалар фондида 5018 инвентарь рақами билан сақланаётган қўлёзмани танлади. Матншунос бу қўлёзманинг таянч нусха қилиб танланганлигига унинг Навоий ҳаётлигида кўчирилганини далил қилиб келтиради.

Ҳар қандай адабий асарнинг муаллиф матнига яқинроқ вариантини яратиш матншуносликнинг энг асосий вазифасидир.

Матншунос А.Ден шундай дейди: "Қўлёзмаларни ўрганишдан асосий мақсад уларни нашр қилишдир. Камдан-кам одамлар қўлёзмаларни ишқибозчилик учун ўқийдилар. Яна баъзилар қўлёзмалардаги миниатюраларни томоша қилиш учун китобларни варақлайди. Лекин хазинанинг ҳақиқий қадрини биладиган киши филолог – ноширдир. Филологик илмнинг бутун тараққиёти матнларни нашр қилиш билан чамбарчас боғлиқдир".

Дарҳақиқат, филолог – матншуноснинг бутун ҳатти-ҳаракати, фаолияти адабий ёдгорликнинг муаллиф матнига энг яқин бўлган вариантини яратиш ҳамда уни нашр қилишга йўналтирилган бўлади. Шу иш амалга ошган тақдирдагина адабий ёдгорликнинг умри бардавомлиги таъминланади, ундан фойдаланувчиларга янги имкониятлар эшиги очилади. Бунда албатта иш матннинг аслиятига бориб тақалаверади. Асл матн мавжуд бўлгандагина биз юқорида айтган гаплар хусусида сўз юритиш мумкин бўлади. Мамлакатимиз қўлёзма фондларида эса асл матнлар, илмий-танқидий матнини тузиш имконияти мавжуд бўлган турли тиллардаги кўплаб қўлёзмалар бор. Улар ўз тадқиқотчиларини кутиб ётибди.

3-МАВЗУ: НАШРНИНГ МАЪЛУМОТЛАР АППАРАТИ

Режа:

1. Маълумотлар аппарати ҳақида маълумот.
2. Маълумотлар аппаратининг тузилиши.

Калит сўзлар:

Маълумотлар аппарати, изоҳлар, шарҳлар, асар матни, кўрсаткичлар, меъёрга риоя қилиш, маълумотлар аппаратининг турлари.

Кўпгина ёзма ёдгорликлар нашрида китоб охирида "Изоҳлар" ёки "Шарҳлар" ёки "Изоҳ ва шарҳлар" деган термин остида бир бўлим мавжуд бўлади. Бу бўлимда нашр этилган асар матнида дуч келган изоҳталаб сўзларга, исмлар, вокеалар ва ҳоказоларга изоҳ берилган бўлади.

Маълумотлар аппаратининг илк кўринишлари қадим Шарқ қўлёзмаларида мавжуд бўлган. Уларнинг ичидаги изоҳталаб сўз, жумла, исм ёки вокеанинг устига рақам қўйилган ва худди шу рақамни китоб хошиясига ҳам қўйилиб, кейин унга изоҳ берилган. Тушуниксиз сўзни ўша бетнинг ўзида хошияда изоҳлаб кетишнинг қулайликлари қуйидагича бўлган:

1. Ўқувчи китобни вараклаб, изоҳ ахтаришга мухтож бўлмаган.
2. Мутолаа жараёнида ўқувчининг хаёли бўлинмаган.
3. Баъзан изоҳлар китоб охирида берилганда, изоҳ ёзилган саҳифалар йўқолиши эҳтимоли бўлган. Шу нарсанинг ҳам олди олинган.
4. Маълум саҳифада учраган муаммо ўша саҳифанинг ўзида ҳал қилиб кетилган.

Матншуносликнинг вазифаси асарнинг матнини аниқлаш, тиклаш ёки топиш билан чекланмайди. Асар матнини изоҳлаш, шарҳлаш ёки унга алоҳида луғат тузиш ҳам ушбу фаннинг вазифалари доирасига киради. Бир

нарсани қайд қилиб ўтиш лозимки, том маънодаги шарх ва изоҳлар (яъни асарнинг маълумотлар аппарати) энг оддий китобхондан тортиб энг тор соҳадаги мутахассисларнинг ҳам талаб ва эҳтиёжларига жавоб берадиган даражада бўлиши керак. Лекин бу асарга ёзилган изоҳларга унга бевосита тааллуқли бўлмаган маълумотларни ҳам киритиш мумкин, деган маънони бермайди.

Маълумотлар аппарати қайси тоифадаги ўқувчилар учун мўлжалланган бўлмасин, у матндан алоҳида бўлмаслиги, балки у матнга тўлиқ тааллуқли нарсаларни ўз ичига олиши, яъни матнга бўйсундирилиши керак. Маълумотлар аппарати ўқувчини чалғитиши эмас, унга матнни тушунишда ёрдам бериши шарт. Маълумотлар аппарати матннинг йўлдоши, ҳамроҳидир.

Изоҳ ва шарҳларнинг меъёрдан ўтиб кетиши, ўқувчини чалғитиши хусусида Чеховнинг қуйидаги киноялі ибораси машҳур: "Шекспир эмас, унга ёзилган изоҳлар муҳим".

Бундай меъёрдан чиқишлар Шарқда ҳам мавжуд бўлган. Баъзан асарларнинг изоҳларига ҳам изоҳлар (яъни ҳошияларга ҳошия) ёзилган. Мадрасаларда талабалар ўрганилаётган асар қолиб кетиб унинг изоҳининг изоҳини ўқишга тушиб кетган ва унинг устида бефойда ва бемаъни мунозаралар қилишган.

Маълумотлар аппаратининг жойлашиши.

Ҳозирда нашр-полиграфия ишларида маълумотлар аппаратини бевосита матндан кейин, китоб сўнггида бериш одат тусига кирган. Бу ўқувчига ҳар томонлама қулайлик туғдиради. Лекин бу маълумотлар аппаратини беришнинг ягона йўли эмас. Баъзи матнларда маълумотлар аппарати сноска ҳолида ўша бетнинг тагида, асосий матн шрифтидан бошқа (кўпгина ундан майдарок) шрифтда бериб кетилади. Бу услуб кўпинча ёзишма-хатларни нашр қилишда қўлланади.

4-МАВЗУ: ПОРСО ШАМСИЕВНИНГ МАТНШУНОСЛИК ФАОЛИЯТИ

Режа:

1. Порсо Шамсиевнинг ҳаёт йўли.
2. Олимнинг ижодий фаолияти.

Калит сўзлар:

П.Шамсиев, манбашунослик, матншунослик, Навоий асарлари, "Хамса" устида ишлаш, "Бобурнома", "Ўзбек адабиёти", "Ўзбек поэзияси антологияси", "Макоримул-ахлоқ".

П. Шамсиев 1897 йил 10 февралда Бухородаги Хожа Порсо маҳалласида таваллуд топди. У аввал осон усулдаги мактабда, сўнгра мадрасада таҳсил кўрди. П. Шамсиев ўз меҳнат фаолиятини она юрти Бухорода амирлик давридаёқ бошлаган эди. У девонда ёзув-чизув ишлари билан шуғулланар, ёшларни хат ўрганиш, маърифатли бўлишга даъват этар эди. Амирлик тугатилгач, П. Шамсиев Бухоро маорифини ташкил этишда жонбозлик кўрсатганларнинг биринчи сафларида бўлди.

1925 йилда Порсо Шамсиев Тошкентга келади ва халқ маорифи соҳасида ишлай бошлайди.

30-йилларнинг бошларида Ҳамид Олимжон Порсохон Шамсиевни хам илм даргоҳига олиб киради. Устод Айний, Бокий (А. Насриддинов), Ҳамид Олимжон, Ғафур Ғулом, Уйғун, Амин Умарий, Ҳоди Зариф каби олим ва шоирлар сафида Алишер Навоий меросини тўплаш, ўрганиш ва айрим асарларини оммавий нашрга тайёрлашга қизғин киришиб кетадилар. П. Шамсиев биринчи марта Навоийнинг "Муҳокаматул-луғатайн", кейинроқ "Маҳбуб ул-қулуб", "Мажолисун-нафоис", "Садди Искандарий" каби асарларини нашр эттирди.

Айтиш керакки, П. Шамсиевнинг ноёб истеъдоди ва чукур билим эгаси эканлиги ана шу вақтларда – текстологик тадқиқотлар жараёнида жуда ёрқин намоён бўлди. П.Шамсиевнинг ўзбек классик адабиётининг ўзига хос хусусиятларини яхши билиши, форс-тожик адабиётидан пухта хабардорлиги, араб ва форс тилларини билиши матншуносликда анчайин қўл келди. Маълумки, мумтоз адабиётимиз намуналари, жумладан Навоий асарлари устида текстологик ишлар олиб бориш узоқ даврларда ҳар хил савиядаги котиблар томонидан кўчирилган текстлардаги жиддий хатолар, чалкашликларни бартараф этиш атрофлича чукур билим, ўткир зийраклик, катта масъулият ҳамда муҳаббат билан шошмай иш олиб боришни такозо киларди. Порсохон Шамсиевда шу хусусият, шу фазилатлар мужассамлашган эди.

Илмий-танқидий матн устида ишлашни ҳам П. Шамсиев 40-йилларда бошлаган. Бу соҳада унга Улуғ Ватан уруши даврида Тошкентда яшаб, ижод қилган Е. Э. Бертельс, А. Н. Кононов, А. С. Тверитиновалар билан яқин мулоқотлар, қизғин суҳбатлар катта ёрдам берган ва кенг миқёсда олиб борилган текстологик изланишлар тажрибаси билан атрофлича танишув ижобий таъсир кўрсатган эди.

П. Шамсиев 1948 йилда уруш туфайли кечикиб нишонланган Алишер Навоий юбилейини ўтказишда энг фаол меҳнат қилганларнинг олдинги сафида эди.

1952 йилда П. Шамсиев Алишер Навоий "Сабъаи сайёр" достонининг илмий-танқидий матнини тайёрлаб, уни кандидатлик диссертаияси сифатида ҳимоя қилади. 1956 йилда эса уни алоҳида нашр эттиради.

П. Шамсиев "Хамса" таркибидаги достонлар юзасидан олиб борган текстологик ишлари туфайли 1960 йилда "Хамса"нинг тўлиқ матнини нашр этишга муваффақ бўлди. Бу нашр ҳам матннинг тўлалиги, саводлилиги жиҳатидан анча пухта тайёрланган. Кейинчалик ушбу нашр

матни Навоий 15 томлигига кирган “Хамса” достонлари учун хам асос бўлди.

Матншунос олим Навоийнинг улкан “Хамса”си таркибидаги достонлар устида олиб борган кўп йиллик меҳнатини якунлаб, 1970 йилда “Алишер Навоий “Хамса”сининг илмий-танқидий тексти ва уни тайёрлаш принциплари” деган мавзуда докторлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилади.

5-МАВЗУ: АЛИШЕР НАВОИЙ "ХАМСА"СИНИНГ ИЛМИЙ-ТАНҚИДИЙ МАТНИ

Режа:

1. "Хамса" нашрлари тарихи.
2. Навоий асарлари устида ишларнинг янги босқичда давом этиши.

Калит сўзлар:

"Хамса", илмий-танқидий матн, С.Муталлибов, Ғ.Каримов, қўлёзма нусхалар, Султон Али Машхадий, Қозон университети, манбашунослик, матншунослик.

Ўзбекистонда илмий текстологиянинг ривожланиши буюк ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоий асарларининг чоп этилиши билан боғлиқдир. Навоий асарларининг нашрга тайёрланиши жиддий равишда 1938 йилдан бошланиб, шоир туғилган куннинг 500 йиллигини нишонлашга тайёргарлик билан боғлиқ ҳолда ҳал этила бошланди.

Илмий-танқидий текстларни тузишдан олдин Навоийнинг асарлари мавжуд қўлёзмалар асосида нашрга тайёрланди. Улар ҳозирги замон ўзбек тилида насрий изоҳ билан ҳам чиқарилди. У вақтда, гарчи илмий-танқидий текст тузиш масаласи кун тартибида турган бўлса-да, унинг принциплари ҳали ишлаб чиқилмаган эди. Улуғ Ватан уруши йилларида Навоий асарларининг илмий-танқидий матнларини тузишга киришилди. С. М. Муталлибов "Ҳайратул-аброр"нинг, Ғ. К. Каримов "Лайли ва Мажнун"нинг (1944 й.) илмий-танқидий текстини тайёрлади. Бу текстлар Навоий меросини текстологик жиҳатдан ўрганишда дастлабки қадам сифатида қаралиши мумкин. Бу текстларни тайёрлашда ноширлар уч қўлёзма ва кейинги йилларда чиқарилган босма нусхани асос қилиб

олдилар. П. Шамсиев 1956 йилда “Сабъаи сайёр” достонининг илмий-танкидий матнини нашр эттирди.

“Хамса”нинг илмий-танкидий матнини тузиш учун П. Шамсиев олтита қўлёзма ичидан ЎзФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида сақланувчи (инв. 5018) қўлёзмани таянч нусха сифатида танлади. П. Шамсиев “Хамса” устида олиб борган текстологик ишларининг якуни сифатида 1960 йилда асарнинг тўлиқ матнини нашр этишга муваффақ бўлди. Олим “Хамса”ни нашрга тайёрлашда кўпдан буён ишланмоқда бўлган “Хамса” достонлари илмий-танкидий текстларини асос қилиб олади. Шу билан бирга танкидий текстларнинг асоси бўлган Абдулжамил котиб ва Султон Али Машҳадий нусхаларидан ҳамда XVI асрнинг яна бир нодир нусхасидан тўла фойдаланишга ҳаракат қилади.

6-МАВЗУ: ФАКСИМИЛ НАШРЛАР ВА УЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ

Режа:

1. Факсимил нашрнинг моҳияти
2. Факсимил нашри амалга оширилган асарлар.

Калит сўзлар:

Факсимил, дипломатик нашр, қўлёзма, фотография, илмий-танқидий матн, Атоий "Девон"и, илмий тадқиқот, адабий ёдгорликларни нашр этиш.

Бу ерда матн нашри ва қўлёзманинг нашрини фарклаб олиш керак бўлади. Қўлёзманинг нашри (дипломатик ва факсимил нашрлар – "fas simile" – "сделай подобное") қўлёзма кандай ҳолда бўлса, шундайлигича акс эттиради. Бундай нашрлар қўлёзмани бутун ютуқ ва камчиликлари билан ўзида акс эттиради. Қўлёзманинг факсимил ва дипломатик нашрлари қўлёзма устидаги тадкикотларни давом эттириш учун амалга оширилади. Шунингдек, бундай нашрлар қўлёзманинг ўрнини ҳам маълум даражада босиб туради. Лекин тадкиқотчи якунда барибир бундай нашрни қўлёзманинг аслига солиштириб чиқиши керак бўлади. Факсимил нашрлар қўлёзманинг ўрнини тўлиқ боса олади, деган фикр тўғри эмас. Факсимил нашрлар, масалан қўлёзманинг материали (коғози, ундаги сиёҳ, унинг ранги, доғлар) ҳакида тасаввур бера олмайди.

Факсимил нашрларда фотографияга хос бўлган камчиликлар ҳисобга олиниши керак.

Аслият матнидан нусха кўчирилган нашрга матнни асл кўринишини сакланган, яъни ҳужжатли нашр киради. Бу турни ҳужжатли нашр деб аташ мумкин.

Ушбу турдаги нашр факсимиле ёки фото нашр бўлиши мумкин. Факсимиле қўлёзманинг ҳар бир саҳифасини асл ҳолича нашрда акс эттиришдир. Бунга фото орқали нусха кўчириб эришиш мумкин. Факсимил нашрнинг энг асосий хусусияти шундаки, бу нашрда матн акс этган манбанинг ҳамма жиҳатлари (саҳифаларнинг кўриниши, улардаги жамики расм, ёзув ва белгилар...) аслида қандай бўлса худди ўзидагидай яққол кўриниб туради. Масалан, Л. Дмитриева Навоий девонининг факсимил нашрини амалга оширган, (А.Навоий, Девон., М., 1964). Навоийнинг "Илк девон"ини Ҳ. Сулаймонов факсимиле ҳолида нашр эттирган. Ҳужжатли нашрга яна С. Ғаниева томонидан тайёрланган Навоий "Бадоеъул бидоя" девонининг Эрон нусхасини ҳам киритиш мумкин (Навоий дастхати. Тошкент, 1991).

Ўзбек мумтоз адабиёти матнларининг юқоридаги нашр турлари муҳим илмий аҳамиятга эга бўлиб, илмий-академик нашрнинг вужудга келишига замин яратади.

7-МАВЗУ: ҚЎЛЁЗМАЛАРНИ ЎРГАНИШ БОСҚИЧЛАРИ

Режа:

1. Қўлёзмаларни саралаш
2. Босқичлар ҳақида тушунча.

Калит сўзлар:

Тарихий манбашунослик, қўлёзма, илмий-танқидий матн, адабий манбашунослик, қўлёзмаларни саралаш.

Қадимий қўлёзмалар бир неча йўналишлар (босқичлар) бўйича ўрганилади. Бундай босқичларга бўлиш қўлёзмаларни илмий тадқиқ қилишни йўлга солиш, системалаштиришни осонлаштириш мақсадида амалга оширилади. Уларни шартли равишда қуйидагича бўлиш мумкин:

1. Тарихий манбашунослик.
2. Адабий манбашунослик ва матншунослик.
3. Алоҳида фанлар бўйича манбашунослик.
4. Кодекология.

Тарихий манбашунослик. Бу йўналишда қўлёзмалар тарихий нуктаи назардан ўрганилади. Бу усулда тадқиқот олиб боришда манбанинг адабий-бадиий хусусиятлари, сўз бойлиги эмас, унинг тарихийлиги жиҳати, тарихий фактлар, уларнинг воқеъликка қай даражада тўғри келиши, муаллифнинг субъектив муносабати мавжуд ёки мавжуд эмаслиги каби жиҳатлар биринчи планга олиб чиқилади. Бу йўналишда кўпроқ тарихий асарлар текширилса-да, адабий асарлар ҳам ушбу йўналишдаги тадиқот мавзуси қилиб олиниши мумкин. Масалан, Бобурнинг "Бобурнома" асарини ёки Абулғозий Баҳодирхоннинг "Шажарайи турк" каби асарларини шу типдаги манбалар қаторига киритиш мумкин.

Бу аспектдаги тадқиқотларда фактлар, маълумотлар асосий аҳамиятга эга бўлади. Масалан, Асомиддин Ўринбоев томонидан нашрга тайёрланган Абдураззоқ Самарқандийнинг "Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн" асарида юқорида айтилган жиҳатларни тўлиқ кузатишимиз мумкин.

Адабий манбашунослик ва матншунослик. Бу йўналишда қадимий манбаларнинг бадиий жиҳатларига, тил хусусиятларига, луғат бойлигига ва ифода услубига алоҳида диққат қилинади. Адабий манбашунослик ва матншунослик аспектида бадиий асар ўрганилганда тадқиқотчидан юқори даражадаги филологик билим, қониқарли ҳолатдаги тарихдан хабардорлик ва манбалар билан ишлай олиш малакаси талаб қилинади. Ушбу йўналишда амалга оширилган энг салмоқли тадқиқотлар жумласига Солиҳ Муталлибов томонидан амалга оширилган Махмуд Кошғарийнинг "Девону луғотит-турк" фундаментал асарини киритиш мумкин. С. Муталлибов бундан қарийб ўн аср илгари ёзилган бу адабий обидани жуда синчковлик билан тадқиқ қилиб, ўзбек халқи учун тарихий бир хизматни амалга оширди. Шунингдек, Порсо Шамсиев тарафидан амалга оширилган "Хамса" асарининг нашрини, "Бобурнома" нашрини, С. Рафъиддинов тайёрлаган Атоий "Девон"ини ҳам мана шундай салмоқли ишлар қаторига киритиш мумкин.

Алоҳида фанлар бўйича манбашунослик. Ўтмиш маданиятимизда адабиёт, тарих билан бир қаторда табиий ва аниқ фанлар ҳам жуда ривожланган. Бу соҳада фаолият олиб борган олимлардан ҳам қимматли асарлар ёдгорлик бўлиб қолган. Бундай олимлар қаторига Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Ал-Хоразмий, Муҳаммад ал-Фарғоний, Бурҳониддин Марғиноний, Мирзо Улуғбек ва бошқаларни киритиш мумкин. Улар илм-фаннинг турли соҳаларида фаолият юритганлар, асарлар ёзганлар. Бундай олимларнинг асарларини нашрга тайёрлаш, таржима қилиш, тадқиқот олиб бориш ҳам матншуносларнинг вазифалари доирасига киради. Бу ерда энди матншунос бўлишнинг ўзи кифоя қилмайди. Текширилаётган асар

фаннинг кайси соҳасига тегишли бўлса, матншуноснинг ўша фан бўйича ҳам тайёргарлиги зарур бўлади. Бусиз бирор бир яхши натижага эришиш кийин. Бу соҳада амалга оширилган ишлар каторига Ибн Сино ва Абу Райҳон Беруний асарларининг нашрларини киритишимиз мумкин. Масалан, Ибн Сино асарларини нашрга тайёрлашда Убайдулла Каримов ва Ҳамидулло Ҳикматуллаевлар ана шундай заҳматли ишни амалга оширдилар. Бунинг натижасида Ибн Сино асарларининг мўътабар нашрлари юзага чикди ва ўзбек халкининг бебаҳо хазинасига айланиб колди.

“ИЛМИЙ-ТАНҚИДИЙ МАТН НАЗАРИЯСИ ВА АМАЛИЁТИ” ФАНИ БЎЙИЧА ТЕСТ САВОЛЛАРИ

1.Табдил нима?
а) бир тилдан иккинчи тилга таржима қилиш
б) сўзларнинг ўрнини алмаштириб ўқиш
в) бир алифбодан бошқа алифбога ўгириш
г) қўлёзмани оққа кўчириш

2. Эски ўзбек ёзуви қайси алифбога асосланган?
а) уйғур
б) араб
в) лотин
г) форс

3. Изофанинг мақбул вариантини кўрсатинг
а) содиқ ул ваъд
б) содиқ ул-ваъд
в) содиқу-л-ваъд
г) содиқул ваъд

4. “Маҳбуб” сўзининг маъноси
а) суюкли
б) танланган
в) ошиқ
г) дилбар

5. “Назмул жавоҳир” асарининг муаллифи ким?
а) Атоий
б) Саккокий
в) Навоий
г) Лутфий

6. Матнни конъектура асосида тузатиш...
а) асар қўлёзмасига суянади
б) мантиқий фикрлашга суянади
в) шарҳларга суянади
г) тошбосма нусхага суянади

7. “Саботул ожизин” 1991 йилда неча марта нашр килинган?

а) 1 марта
б) 2 марта
в) 3 марта
г) умуман нашр қилинмаган

8. Глосс сўзининг маъноси
а) матн
б) асар
в) жанр номи
г) ҳошия

9. "Бадоеъул бидоя" девони қачон тузилган?
а) 1500 йил
б) 1472 йил
в) 1476 йил
г) 1465 йил

10. Муайян асар табдили...
а) матн тарихининг давомидир
б) якуний натижадир
в) матншуносликнинг фундаментал масаласи эмас
г) тадқиқотга баҳодир

11. "Саботул ожизин"нинг таржимаси
а) Ожизлар иқрори
б) Кучлилар йўли
в) Ожизлар саботи
г) Саботлиларнинг ожизлиги

12. Матн тарихини ўрганиш натижаси
а) қўлёзмаларнинг саналарини аниқлаш
б) асар муаллифи ҳақида тўла маълумотга эга бўлиш
в) тарихий-ижтимоий шароитни баҳолаш
г) илмий-танқидий матн

13. Сўфи Оллоёр қачон яшаган?
а) XVII-XVIII асрларда
б) XV-XVI асрларда
в) XIX-XX асрларда
г) XII-XIII асрларда

14. Манбашунослик илмида *фонд* тушунчаси
а) жамғарма

б) қўлёзма ва тошбосма китобларнинг сақланиш жойи
в) маълумотлар базаси
г) кутубхона

15. Матншунослик илмида *илмий тавсиф* бирикмаси нимани англатади?
а) муаллиф таржимаи ҳоли
б) котиб ҳақида маълумот
в) асар тилини сифатлаш
г) муайян манба ҳақида қисқа маълумот бериш

16. Академик нашр...
а) муайян ижодкор меросини тўлалигича, матн ва қўлёзмалар асосида изоҳ ва кўрсаткичлар билан нашр қилиш
б) матннинг илмий-техник аппаратини шакллантириш
в) лугатли нашр тури
г) илова

17. Автоцензура
а) хаттот ислоҳи
б) асарнинг муаллиф томонидан қайта ишланиши
в) нашрга рухсат берилиши
г) тушиб қолган матнни тиклаш

18. Ҳамид Сулаймонов Қўлёзмалар институти фаолият олиб борган йиллар
а) 1978-1998 йиллар
б) 1920 йилдан ҳозиргача
в) 1985-2000 йиллар
г) 1991-2007 йиллар

19. Колофон
а) асар муқаддимаси
б) асар номи акс этган бўлим
в) қўлёзманинг котиби, кўчирилган йили ҳақида китоб охирида берилган қисм
г) қўлёзманинг инвентар рақами акс этган саҳифа

20. Транслитерацион нашр
а) Матннинг аслиятдан бошқа ёзувга ўгирилиши
б) Матннинг лотин ёзувида берилиши
в) Матннинг транскрипцияда акс эттирилиши
г) Матннинг араб графикасида ёзилиши

21. "Мажолисун нафоис"нинг илмий-танқидий матнини ким тайёрлаган?

а) М.Ҳамидова
б) П.Шамсиев
в) С.Ғаниева
г) А.Ҳайитметов

22. Пойгир нима?
а) қўлёзма китоб саҳифаларининг муайян кетма-кетлигини таъминлаш
б) шартли қисқартма
в) ҳошиядаги ёзувлар
г) арабий сўзлар изоҳи

23. "Ҳидоятут толибин" қандай асар?
а) рисола
б) достон
в) нома
г) шарҳ

24. Сўфи Оллоёр ижодига бағишланган халқаро анжуман қачон бўлган?
а) 1991 йил
б) 2002 йил
в) 2010 йил
г) 2005 йил

25. "Саботул ожизин" асари бўйича тилшуносликда қилинган тадқиқот мавзуси
а) "Саботул ожизин"да ўзлашган қатлам
б) "Саботул ожизин" асари лексикаси
в) "Саботул ожизин"нинг лисоний таҳлили
г) "Саботул ожизин"да синтактик бирликлар

26. Адабиётшуносликда Сўфи Оллоёр ижоди бўйича қилинган докторлик диссертацияси муаллифи ким?
а) С. Мелиев
б) Ш.Сирожиддинов
в) И.Сувонқулов
г) Т.Эшонхўжаев

27. "Маслакул муттақин" асарини кирилл алифбосида чоп этган нашриёт
а) Муҳаррир
б) Чўлпон
в) Янги аср авлоди
г) Мовароуннаҳр

28. “Мезонул авзон” илмий-танқидий матни муаллифи
а) И.Ҳаққулов
б) Н.Комилов
в) И.Султон
г) Ҳ.Болтабоев

29. Картотека
а) каталоглардаги маълумотлар баёни
б) қўлёзманинг тиллар бўйича таснифи
в) тошбосма китоб титул вараги
г) тавсифдаги маълумотларнинг қисқа шаклда карточкаларда ифодаланиши

30. “Сабъаи сайёр” достонининг илмий-танқидий матни муаллифи
а) М.Асқарова
б) А.Рустамов
в) П.Шамсиев
г) З.Ҳамидов

31. “Ақида” сўзига ўзакдош сўз
а) қаъда
б) эътиқод
в) қадар
г) мадъуқ

32. “Хазойинул маоний”нинг таржимаси
а) хазиналар маъноси
б) сўзларга яширин маънолар
в) маънолар хазинаси
г) мустаҳкам рукн

33. “Хамса”нинг илмий-танқидий матнини ким тайёрлаган?
а) П.Шамсиев
б) С.Ғаниева
в) Б.Акромов
г) А.Ғуломов

34. Котиб
а) қўлёзмани нашр қилувчи шахс
б) матнни кўчирувчи киши
в) китобни саҳифаловчи
г) буюртмачи

35. “Зарбулмасал”нинг илмий-танқидий матни муаллифи
а) Т.Жўраев
б) А.Мадраимов
в) А.Қаюмов
г) Ф.Исҳоқов

36. “Саботул ожизин” умумий характерига кўра
а) илмий-фалсафий рисола
б) диний-маърифий достон
в) илмий-адабий асар
г) ирфоний ғазаллар тўплами

37. “Назмул жавоҳир” асари муаллифи
а) А. Навоий
б) Лутфуллоҳ Насафий
в) Абдураҳмон Жомий
г) Комил Хоразмий

38. Бобурнинг шариат қонун-қоидалари ҳақидаги асарининг номи
а) “Фавзун нажот”
б) “Мубаййин”
в) “Дуррул мажолис”
г) “Равнақул ислом”

39. Адабиёт сўзининг ўзаги
а) даъб
б) абад
в) адаб
г) баъд

40. Матн таҳрири
а) матнни насрий баён қилиш
б) истилоҳларни курсивда бериш
в) матннинг муаллиф ёки котиб томонидан муайян мақсадда ўзгартирилиши
г) хатоларни ҳаволада кўрсатиш

41. Алишер Навоийнинг илк девони қачон нашрдан чиққан?
а) XIX аср охирида
б) 1968 йил
в) 1991 йил
г) 1950 йил

42. “Сиррул фасоҳат” кимнинг асари?
а) Ибн Синон Хафожий
б) Абдураҳмон Саъдий
в) Ибн Муқаффаъ
г) Усома ибн Мунқиз

43. Мутахассис олим муайян адабий ҳодисани баҳолар экан...
а) ўз фикрининг зиддига ўрин қолдирмайди
б) ўз фикрининг зиддига ўрин қолдиради
в) ўзга фикрлар билан ҳисоблашмайди
г) ўз мулоҳазасини яширади

44. “Сирожул муслимин” муаллифи
а) Мулла Алийул Қорий
б) Беҳбудий
в) Бобур
г) Навоий

45. “Мўъжамул васит” луғатида адаб илмларининг неча тури қайд этилган?
а) 8
б) 10
в) 14
г) 12

46. Адаб илмининг нечтаси усул, нечтаси фуруъ?
а) 8 таси усул, 4 таси фуруъ
б) 10 таси усул, 4 таси фуруъ
в) 2 таси фуруъ, 12 таси усул
г) 6 таси усул, 2 таси фуруъ

47. **Сарф сўзининг истилоҳий маъноси**
а) гап турларини таснифловчи омил
б) махражи яқин ҳарфларнинг киришув қоидалари
в) сўзнинг ўзгариши ҳақидаги илм (морфология)
г) ёрдамчи сўзларнинг қўлланиш ўринларини ўргатувчи илм

48. Нахв илми таърифи
а) сўзларнинг гапдаги таркиб қоидалари ҳақидаги илм (синтаксис)
б) феъл замонлари ҳақидаги илм
в) олмошларнинг гапдаги вазифасини белгиловчи қоидалар мажмуи
г) сўз ясовчи қўшимчаларнинг турлари ва уларнинг сўзга бирикиш

қоидаларини ўргатувчи илм

49. Андалусий адаб илмини нечтага ажратган?
а) 8
б) 6
в) 10
г) 4

50. "*Адаб сарриштасин тутқил, адабдин яхши роз ўлмаз,*
Адабсиз икки оламда, билингким, сарафроз ўлмаз" байтининг муаллифи ким?
а) Фузулий
б) Аваз Ўтар
в) Насимий
г) Фурқат

51. Қайси жавобда *табдил* термини тўғри таърифланган?
а) араб тилидан ўзбек тилига таржима қилиш
б) бир жумлада бир неча синонимларни қўллаш
в) литографик нашр
г) бир алифбодан бошқа алифбога ўгириш

52. Эски ўзбек ёзувида бош ҳарфлар...
а) акс этади
б) чапдан ўнгга ёзилса, акс этади
в) сарлавҳада акс этади
г) акс этмайди

53. Арабий изофада аниқлик артикли
а) ал
б) ун
в) ут
г) л

54. "Фунунул балоға" муаллифи
а) Тарозий
б) Хафожий
в) Жомий
г) Фитрат

55. "Маслакул муттакин" мавзуси
а) фалсафа
б) тарих

в) фиқҳ
г) адабиёт

56. "Тавҳид" тушунчаси англатган маъно
а) дунёнинг фонийлиги
б) Оллоҳнинг бирлиги
в) қазою қадар
г) чексизлик

57. "Саботул ожизин"нинг "Чўлпон" нашри...
а) 1994 йилда чоп қилинган
б) 1990 йилда чоп қилинган
в) 1991 йилда чоп қилинган
г) 1989 йилда чоп қилинган

58. Амир Хусрав Дехлавий қўлёзма асарлари катологини тузувчи
а) С.Аширбоев
б) Л.Халилов
в) М.Ҳасаний
г) Қ.Мунировъ

59. "Девонул луғотит турк"нинг қўлёзма нусхаси...
а) ЎзР ФА ШИ қўлёзмалар фондида сақланмоқда
б) Россия ФА нинг Санкт-Петербург қўлёзмалар фонди бўлимида сақланмоқда
в) Истанбулда сақланмоқда
г) Англияда

60. Муайян асар табдили матншуносликнинг фундаментал масаласи бўла оладими?
а) бўлади
б) бўлмайди
в) қисман
г) муайян шартлар асосида

61. Сўфи Оллоёрнинг ақида мавзусидаги китобининг номи
а) "Маслакул муттақин"
б) "Махзанул мутеъин"
в) "Саботул ожизин"
г) "Муродул орифин"

62. Матн тарихини ўрганиш...
а) қўлёзмаларнинг саналарини аниқлаш билан ниҳояланади

б) асар структурасини ўрганиш билан тугайди
в) тарихий маълумотларни умумлаштириш билан охирига етади
г) илмий-танқидий матн тузиш билан натижаланади

63. Сўфи Оллоёрнинг ижодий фаолияти даврлари
а) XVII-XVIII асрларда
б) XV-XVI асрларда
в) XIX-XX асрларда
г) XII-XIII асрларда

64. "Қўлёзма баёзлар – адабий манба" асарининг муаллифи
а) Р.Тожибоев
б) М.Ҳамидова
в) Ҳ.Абдуллаев
г) И.Бекчонов

65. آلتون تخت اولتوركانلار توفراغ ارا ياتميشلار мисралари муаллифи
а) Огаҳий
б) Муқимий
в) Лутфий
г) Яссавий

66. Мактаъ
а) газалнинг якунловчи байти
б) қўлёзма саҳифаси
в) шоҳбайт
г) вазн тури

67. Мухаммас
а) қасида жанрида ёзилган назмий асар
б) мумтоз матндаги сюжет чизиги
в) бешлик
г) рубоий тури

68. Ҳамид Сулаймонов Қўлёзмалар институти неча йил фаолият олиб борган
а) 20 йил
б) 60 йил
в) 30 йилдан ортиқ
г) 10 йил

69. Хафиф
а) ички мулоқот

б) мактубот қоидаси
в) аруз баҳрларидан бири
г) матншунослик илми термини

70. "Тухфатус салотин" тўплами муаллифи
а) Абдужамил котиб
б) Сидқий Хондайлиқий
в) Мискин
г) Муҳаййир

71. Интерполяция
а) матн изоҳининг ҳаволада берилиши
б) ҳошиядаги ёзувлар
в) шарҳнинг асосий матн ичида қоришиқ ҳолда келиши
г) матннинг рамкага олиниши

72. "Навоий поэтикаси" асари нашр этилган сана
а) 1983
б) 1976
в) 1994
г) 2000

73. "Ҳидоятут толибин" асарини ким нашрга тайёрлаган?
а) А.Деҳқонов
б) С.Ҳасанов
в) О.Жўрабоев
г) О.Алимов

74. Сўфи Оллоёр ижодига бағишланган халқаро анжуман натижаси акс этган китоб қандай номланади?
а) Умрбоқий мерос
б) Сўфи Оллоёр ҳақиқат қўйчиси
в) Авлодлар ёди
г) Сўфи Аллоҳёр

75. "Ўзбек матншунослигига оид тадқиқотлар" асари муаллифи
а) А.Ҳабибуллаев
б) П.Шамсиев
в) Н.Жабборов
г) Ғ.Каримов

76. Дарвеш Муҳаммад Тоқий
а) муаррих олим

б) Алишер Навоийнинг шахсий котиби
в) XVI аср шоири
г) "Равзатуш шуҳадо" асари муаллифи

77. Девоний
а) девон тузиш қоидаси
б) Мирзо Калон Эшон тахаллуси
в) асар номи
г) қадимий хат тури

78. "Ҳайратул аброр" дебочасида ўзаро зид қўйилган гуруҳлар номи
а) аҳли разолат ва аҳли шараф
б) аҳли бад ва аҳли нек
в) аҳли рад ва аҳли қабул
г) аҳли шар ва аҳли хайр

79. Араб алифбосида харф саналмайдиган товуш номи
а) фатҳа
б) мад
в) васла
г) ҳамза

80. Асар матни ёки унинг бирор қисмидаги ўзгариш натижасида ҳосил бўлган фарқлар...
а) нусхалар сонини кўпайтиради
б) ҳошияда кўрсатилади
в) вариантларни юзага келтиради
г) асосий матндан олиб ташланади

81. "Эътиқод" сўзига ўзакдош сўз
а) қаъда
б) ақида
в) қадар
г) мадъуқ

82. Шоир Таваллонинг исми
а) Тўламурод
б) Тўлахўжа
в) Тўлаган
г) Тўладурди

83. "Абушқа" қандай асар?
а) *Навоий асарларига тузилган луғат*

б) қадим туркий тилдаги девоннинг номи
в) *Қўқон адабий муҳити шоирлари ижоди бўйича тузилган баёз*
г) "Мажмуаи шоирон" тазкирасининг бошқа номи

84. Абжад ҳисоби нимага асосланади?
а) йилнинг қамарий ой ҳисобларига
б) араб алифбосидаги ҳарфларнинг сонда белгиланган қийматига
в) таърих санъатига
г) алифбодаги ундош ҳарфлар сонига

85. "Падаркуш" қандай асар?
а) эпик асар
б) роман
в) назмий асар
г) драматик асар

86. "Санглох" муаллифи
а) Алоий ибн Муҳибий
б) Сулаймон Боқиргоний
в) Муҳаммад Маҳдихон
г) Тавфиқ Фикрат

87. "Сабъати абхур" кимнинг асари деб тахмин қилинади?
а) Алишер Навоий
б) Заҳириддин Муҳаммад Бобур
в) Аҳмад Яссавий
г) Атоуллоҳ Ҳусайний

88. Араб алифбосидаги қайси ҳарф "кўз" маъносига алоқадор?
а) жим
б) айн
в) коф
г) лом

89. "Муҳаббатнома" кимнинг асари?
а) Саккокий
б) Лутфий
в) Хоразмий
г) Навоий

90. Маоний
а) шеърга баҳо бериш илми
б) сўз маънолари ҳақидаги илм

в) гапнинг ҳол талабига мослиги ҳақидаги илм
г) сўз ясалиши ҳақидаги илм

91. **Қадимий китоблардаги "унвон" термини замонавий полиграфиядаги қайси терминга мос келади?**
а) титул варағига
б) чиқиш маълумотлари ёзилган бетга
в) мундарижага
г)муқаддимага

92. "Адабул кабир ва адабус сағир" кимнинг асари?
а) Ибн Синон Хафожий
б) Абдураҳмон Саъдий
в) Ибн Муқаффаъ
г) Усома ибн Мунқиз

93. Иштикок
а) гап тузиш қоидалари
б) сўз ясалиши ҳақидаги илм
в) феъл қолиплари ҳақидаги илм
г) лугат илми

94. "Мубаййин" муаллифи
а) Машраб
б) Фитрат
в) Бобур
г) Навоий

95. **Алишер Навоий "Ҳайрат ул-аброр" достонида қайси машҳур хаттот ҳақида сўз юритади?**
а) Султон Али Машҳадий.
б) Абдулжамил котиб
в) Ёқут
г) Шоҳмурод котиб

96. Адаб илмининг...
а) 8 таси усул, 4 таси фуруъ
б) 10 таси усул, 4 таси фуруъ
в) 2 таси фуруъ, 12 таси усул
г) 6 таси усул, 2 таси фуруъ

97. **Қадимги қўлёзмалардаги пойгирининг вазифасини ҳозир нима бажаради?**
а) мундарижа
б) бет рақами

в) сарлавҳа
г) ҳавола белгиси

98. Сўзларнинг гапдаги таркиб қоидалари ҳақидаги илм
а) нахв
б) сарф
в) муҳозара
г) расмул хат

99. "Махмудхўжа Бехбудий" номли китобни ким нашрга тайёрлаган?
а) У.Долимов
б) Б.Қосимов
в) Ш.Юсупов
г) Ш.Турдиев

100. Алишер Навоий ишкнинг куйи даражасини қандай номлаган?
а) авомлар ишқи
б) девоналар ишқи
в) мажозий ишқ
г) дунёвий ишқ

Тузувчи: филология фанлари номзоди
Р.Зоҳидов

“ИЛМИЙ-ТАНҚИДИЙ МАТН НАЗАРИЯСИ ВА АМАЛИЁТИ” ФАНИДАН ЖОРИЙ, ОРАЛИҚ ВА ЯКУНИЙ БАҲОЛАШ УЧУН МАВЗУЛАР

I. ЖОРИЙ БАҲОЛАШ УЧУН САВОЛЛАР

1. “Илмий-танқидий матн назарияси ва амалиёти” фанининг предмети ва вазифалари.
2. “Илмий-танқидий матн назарияси ва амалиёти” фанининг адабиётшунослик фанлари тизимидаги ўрни.
3. “Илмий-танқидий матн назарияси ва амалиёти” ва унга ёндош фанлар.
4. “Илмий-танқидий матн назарияси ва амалиёти”нинг маданий меросни ўрганиш тизимидаги ўрни.
5. Илмий-танқидий матн тузиш принциплари ҳақида сўзланг.
6. Илмий аппарат таркиби ҳақида маълумот.
7. Илмий-танқидий матнга тузиладиган кўрсаткичлар турлари.
8. Илмий-танқидий матн муаммолари.
9. Таянч ва ёрдамчи нусхалар ҳақида маълумот.
10. Автограф нусханинг илмий-танқидий матн тузишдаги аҳамияти.
11. Навоий асарларининг илмий-танқидий матнларини тузиш тарихи.
12. Замонавий адиблар асарларини нашрга тайёрлаш принциплари.
13. Таржима асарлар матнини ўрганиш.
14. Илмий-танқидий матнда қўлланадиган шартли текстологик белгилар.
15. Порсо Шамсиев тузган илмий-танқидий матнлар ҳақида.
16. “Хамса”нинг илмий-танқидий матни.
17. “Зарбулмасал”нинг илмий-танқидий матни ҳақида маълумот.
18. Тарихий асарларнинг илмий-танқидий матнларини тузиш принциплари.
19. Ҳозирда илмий-танқидий матни яратилиши зарур бўлган асарлар.
20. Нашр турлари ҳақида гапиринг.
21. Факсимил нашрлар ҳақида маълумот беринг.
22. Адабий матнларни илмий тадқиқ қилишнинг тарихий матнларни илмий тадқиқ қилишдан фарқи.
23. Тарихий матнларни ўрганиш принциплари.
24. Аҳмад Яссавий асарларининг матнлари ҳақида маълумот беринг.
25. Ўзбек адабиётидаги энг эътиборли тазкираларнинг қўлёзма нусхалари ҳақида гапиринг.
26. Мустақиллик даврида илмий-танқидий матни амалга оширилган асарлар.
27. Компьютер технологияси ютуқларини илмий-танқидий матн тузишга жорий қилиш ҳақида сўзланг.
28. Тошбосма асарларни илмий-танқидий матн тузишга жалб қилиш.

29. Таснифнинг қандай турлари мавжуд?

30. Йиғма-танқидий матн деганда нимани тушунасиз?

31. Муаллиф томонидан таҳрир этилган матнларни тадқиқ қилишнинг ўзига хосликлари.

ОРАЛИҚ БАҲОЛАШ УЧУН САВОЛЛАР

1. "Илмий-танқидий матн назарияси ва амалиёти" фан сифатида.
2. Порсо Шамсиев тузган илмий-танқидий матнлар ҳақида сўзланг.
3. Иззат Султон Алишер Навоийнинг қандай асарининг илмий-танқидий матнини тузган?
4. "Илмий-танқидий матн назарияси ва амалиёти" фанининг муаммолари ҳақида маълумот беринг.
5. Хат турига қараб матннинг даври қандай аниқланади7
6. Қалбаки нусхалар деганда нимани тушунасиз?
7. Адабий манбаларни лотин алифбосида нашр этиш муаммолари ҳақида гапиринг.
8. Халқ достонларини нашр этиш масалалари.
9. XIX асрда ёзилган тазкираларнинг қўлёзма нусхалари ҳақида маълумот беринг.
10. Мустақиллик йилларида матншунослик соҳасида амалга оширилган ишлар.
11. Тасниф ва тавсифнинг фарқи ҳақида маълумот беринг.
12. Матнни аниқлашда муаллиф услуби ҳақида сўзланг.
13. XIX аср иккинчи ярми ва XX аср бошларидаги вақтли матбуот материалларининг манба сифатидаги аҳамияти ҳақида гапиринг.
14. А. Муродовнинг "Ўрта Осиё хаттотлик санъати тарихидан" асарининг ёзувлар тарихини ўрганишдаги аҳамияти хусусида сўзланг.
15. Адабий манба нашрига тузиладиган кўрсаткичлар турлари ҳақида маълумот беринг.
16. Рус матншунослик фанида эришилган ютуқларни ўзбек матншунослик илмига тадбиқ қилиш имкониятлари хусусида сўзланг.

ЯКУНИЙ БАҲОЛАШ УЧУН САВОЛЛАР

1. Илмий-танқидий матн тузиш матн тузиш принциплари ҳақида сўзланг.
2. Алишер Навоий асарларининг илмий-танқидий матнларини қандай олимлар тузган?
3. "Мезонул-авзон" асарининг илмий-танқидий матни ҳақида маълумот беринг.
4. Ватанимизда мавжуд бўлган асосий қўлёзма фондлар ҳақида маълумот беринг.
5. Қўлёзмаларни ўрганиш нечта босқичдан иборат?
6. Қадимий ёзма ёдгорликларни нашр этиш принциплари.

“ИЛМИЙ-ТАНҚИДИЙ МАТН НАЗАРИЯСИ ВА АМАЛИЁТИ” ФАНИДАН УМУМИЙ НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. “Илмий-танқидий матн назарияси ва амалиёти” деганда нимани тушунасиз?
2. “Илмий-танқидий матн назарияси ва амалиёти”нинг мустақил фан эканини таъминлайдиган омиллар нимада?
3. “Илмий-танқидий матн назарияси ва амалиёти” фанининг ижтимоий-маънавий аҳамияти нималарда кўринади? Бу фан нима учун адабиётшунослик фанлари тизимига киради?
4. “Илмий-танқидий матн назарияси ва амалиёти”га ёндош фанлар қаторини айтинг.
5. “Илмий-танқидий матн назарияси ва амалиёти” фанида қўлланадиган илмий-тадқиқот методлари қайсилар?
6. Қадимда Шарқда матншуносликнинг назарий асослари ишлаб чиқилган эдими?
7. Шўро даврида Ўзбекистонда бу фаннинг ривожланиши ҳақида гапиринг.
8. Мустақиллик даврида бу фан соҳасида эришилган ютуқлар ҳақида сўзланг.
9. Тошбосма манбалар ва уларнинг аҳамияти.
10. “Илмий-танқидий матн назарияси ва амалиёти”нинг мақсади нимадан иборат?
11. “Илмий-танқидий матн назарияси ва амалиёти”нинг вазифалари қайсилар?
12. Тошкентдаги Ҳазрати Усмон Мусҳафи ҳақида нималарни биласиз?
13. Илмий-танқидий матн муаммолари ҳақида гапиринг.
14. Жадид матбуоти материаллари адабий манба бўла оладими?
15. Абулғозий Баҳодирхоннинг “Шажарайи турк” асари адабий манба бўла оладими? Нима учун
16. Навоийнинг матншуносликка оид қарашлари қайси асарида акс этган?
17. Матншуносликнинг манбашуносликдан фарки нимада?
18. Колофон нима?
19. Цензура ва автоцензура ҳақида гапиринг.
20. Вариантлилик.
21. “Музаввар нусхалар” нима дегани?
22. “Матнни англанган ҳолда ўзгартириш” деганда нимани тушунасиз?
23. Плосса ва интерполяция термини қадимги Шарқдаги қайси истилоҳга тўғри келади?
24. Навоий асарларига тузилган луғатлар ҳақида сўзланг.
25. Навоийнинг “Мезон ул-авзон” асарининг илмий-танқидий матнини қайси олим нечанчи йилда тузган?

26. Порсо Шамсиевнинг ўзбек матншунослигига қўшган ҳиссаси нималардан иборат?

27. Таянч нусха қандай аниқланади?

28. Илмий аппарат таркиби ҳақида сўзланг.

29. Матншуносликнинг қандай тармоқлари мавжуд?

30. Навоий асарларини Навоий ҳаёт пайтида қайси хаттотлар кўчирган?

31. Адабий ва тарихий манбашунослик орасида қандай чегара мавжуд?

32. Навоий асарларининг бугунги нашр матнларига муносабатингиз.

33. XIX асрда ёзилган қандай тазкираларни биласиз?

34. Рус матншунослигининг назарий асосларини Шарқ, хусусан ўзбек матншунослигига тадбиқ қилиш мумкинми?

35. Европада қадимий Шарқ, хусусан, бизнинг маънавий меросимиз матнлари бўйича амалга оширилган қандай ишларни биласиз?

36. П.Шамсиевнинг матншунослик фаолияти ҳақида сўзланг.

37. Рус матншунос – шарқшуносларининг шўро давридаги фаолияти ҳақида сўзланг.

38. ЎзФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг ташкил бўлиши ва тарихи ҳақида гапиринг.

39. Шу институтда мавжуд энг қадимий қўлёзмалар ҳақида нималарни биласиз?

40. Исҳоқхон Ибратнинг матншунослик фаолияти ҳақида гапиринг.

41. А.Муродовнинг "Ўрта Осиё хаттотлик санъати тарихидан" номли илмий ишининг матншунослик нуқтаи назаридан аҳамияти ҳақида сўзланг.

42. Д.С. Лихачевнинг матншуносликка оид асарлари ҳақида гапиринг.

43. М. Ҳамидованинг "Қўлёзма баёзлар – адабий манба" номли монографиясининг аҳамияти ҳақида сўзланг.

44. Жаҳон қўлёзма фондларидаги маданий меросимизнинг ноёб намуналари ҳақида нималарни биласиз?

45. Матнларни тушунишда луғатнинг ўрни.

46. Уйғур ёзувидаги адабий ёдгорликлар.

47. Абулғозий Баҳодирхон асарларининг қўлёзма манбалари.

48. Адабий меросимиз манбалари кўпроқ қайси хат турида китобат қилинган?

49. Вариантлилик ҳақида маълумот беринг.

50. Конъектура ҳақида сўзланг.

51. Қўлёзманинг илмий тавсифи.

52. Матнни онгли равишда ўзгартириш. Унинг сабаблари.

53. "Сабот ул-ожизин" асарининг қўлёзма нусхалари.

54. "Сабот ул-ожизин" асари устида илмий иш олиб борган тадқиқотчилар ҳақида маълумот беринг.

55. "Сулс" сўзининг луғавий маъносини изоҳланг.

56. Туркий халқлар қўллаган алифболар.

57. Абжад ҳисоби нима?

Малакавий битирув ишлари мавзулари

1. Илмий-танқидий матн кўрсаткичлари
2. Илмий-танқидий матн муаммолари.
3. Таянч ва ёрдамчи нусхаларни танлаш тамойиллари
4.Автограф нусханинг илмий-танқидий матн тузишдаги аҳамияти.
5. Навоий асарларининг илмий-танқидий матнларини тузиш тарихи.
6. Замонавий адиблар асарларини нашрга тайёрлаш принциплари.
7. Таржима асарлар матнини ўрганиш.
8. Порсо Шамсиев тузган илмий-танқидий матнлар
9. "Хамса"нинг илмий-танқидий матни.
10. "Зарбулмасал"нинг илмий-танқидий матни
11. Тарихий асарларнинг илмий-танқидий матнларини тузиш принциплари.
12. Ҳозирда илмий-танкидий матни яратилиши зарур бўлган асарлар.
13. Тарихий матнларни ўрганиш принциплари.
14. Аҳмад Яссавий асарларининг матнлари
15. Ўзбек адабиётидаги энг эътиборли тазкираларнинг қўлёзма нусхалари
16. Мустақиллик даврида илмий-танқидий матни амалга оширилган асарлар.
17. Компьютер технологияси ютуқларини илмий-танқидий матн тузишга жорий қилиш
18. Тошбосма асарларни илмий-танқидий матн тузишга жалб қилиш.
19. Йиғма-танқидий матн
20.Алишер Навоийнинг "Мезон ул-авзон" асари илмий-танқидий матни

Мустақил таълим учун саволлар

1. Адабий манбаларни лотин алифбосида нашр этиш муаммолари
2. Халқ достонларини нашр этиш масалалари
3. XIX асрда ёзилган тазкираларнинг қўлёзма нусхалари
4. Мустақиллик йилларида матншунослик соҳасида амалга оширилган ишлар
5. Матнни аниқлашда муаллиф услуби
6. XIX аср иккинчи ярми ва XX аср бошларидаги вақтли матбуот материалларининг манба сифатидаги аҳамияти ҳақида гапиринг
7. А. Муродовнинг "Ўрта Осиё хаттотлик санъати тарихидан" асарининг ёзувлар тарихини ўрганишдаги аҳамияти хусусида сўзланг
8. Адабий манба нашрига тузиладиган кўрсаткичлар турлари ҳақида маълумот беринг

9. Рус матншунослик фанида эришилган ютуқларни ўзбек матншунослик илмига тадбиқ қилиш имкониятлари хусусида сўзланг
10. Илмий-танқидий матн тузиш матн тузиш принциплари ҳақида сўзланг
11. Алишер Навоий асарларининг илмий-танқидий матнлари
12. Мезонул-авзон" асарининг илмий-танқидий матни ҳақида маълумот беринг
13. Ватанимизда мавжуд бўлган асосий қўлёзма фондлар ҳақида маълумот беринг
14. Қўлёзмаларни ўрганиш нечта босқичдан иборат?
15. Қадимий ёзма ёдгорликларни нашр этиш принциплари.

“ИЛМИЙ-ТАНҚИДИЙ МАТН НАЗАРИЯСИ ВА АМАЛИЁТИ” ФАНИДА ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН АЙРИМ ИЛМИЙ АТАМАЛАР СЎЗЛИГИ

“Илмий-танқидий матн назарияси ва амалиёти” фани асосан матншуносликнинг назарий асослари хусусида, адабий ва тарихий манбашуносликнинг умумий ва хусусий жиҳатлари ҳақида баҳс юритади. Шунингдек, бу фан адабий манбалар устида ишлашни, бу манбаларнинг аҳамиятини аниқлай олишни ўргатади.

“Илмий-танқидий матн назарияси ва амалиёти” фанининг бош мақсади – талабаларда матншуносликнинг назарий жиҳатларини билиш малакасини ошириш, манбалар устида ишлай олиш малакасига эга бўлган иқтидорли мутахассисларни етиштириш. Ўзбек матншунослигининг ҳал қилиниши лозим бўлган муаммолари устида ишлайдиган, адабий меросниг қадрига етадиган, унинг халқимиз маънавий ҳаётидаги аҳамиятини англайдиган шахснинг маънавий дунёсини шакллантириш.

“Илмий-танқидий матн назарияси ва амалиёти” фанининг вазифалари: талабаларда матншунослик фанига нисбатан меҳр уйғотиш, қадимий манбалар устида ишлай оладиган, уларнинг манба сифатидаги қийматини баҳолай оладиган, бу манбаларни халққа еткизиш йўлида холис хизмат қилиш масъулиятини ўз зиммасига оладиган мутахассисларни шакллантиришдан иборат.

“Илмий-танқидий матн назарияси ва амалиёти” фанининг мазмуни – ўзбек, форс ва араб тилларида яратилган адабий меросимиз намуналарининг аслини ва ноаслини ажрата олиш малакасига эга бўлган, бу тиллардаги манбаларни ўқиш ва илмий тадқиқ қилиш қобилияти бор, бу манбаларни ўқиш ва таҳлил қилиш малакаларини шакллантириш учун зарур бўлган назарий маълумотлар билан қуролланган кадрларни еткизишдан иборат.

Нусха — бирор матнда кўчирилган, уни такрорловчи матн. Масалан, Навоий асарларининг кейинги асарларда кўчирилган кўплаб нусхалари мавжуд. "Нусха" атамаси "қўлёзма" тушунчасидан торроқдир. "Қўлёзма" тушунчаси кенг маънода "дастхат", "нусха" атамаларини ҳам ўз ичига олиши мумкин.

Вариантлилик — асар матни ёки унинг бирор қисмидаги ўзгариш натижасида ҳосил бўлган фарқлар вариантларни юзага келтиради. Вариантлар икки хил бўлади:

1. Муаллиф ўз асарини бутунлай ёки бирор қисмини ўзгартириб, қайта ишлаши натижасида юз берган ўзгартиришдан ҳосил бўлган вариант.

2. Қўлёзмадан нусха кўчириш жараёнида котиб томонидан баъзи сўз ёки бирикмаларнинг билиб ёки билмай ўзгартирилиши, хато ўқиш натижасида муаллиф назарда тутган сўздан бошка сўзнинг ёзиб қўйилиши каби сабаблар туфайли ҳосил бўлган вариант.

Конъектура – Тахминан ва умумий фикрлар асосида камчиликлари бор матнни тўғрилаш, уни муаллиф яратган матнга аниқлаштириш конъектура дейилади. Лекин бу хатоларни аниқлаш асар қўлёзмаси ёки бошқа бирор манбага суяниш воситасида эмас, матн (нашр этилган матн)нинг ўзидан мантиқий фикрлаш асосида келиб чиқиши керак. Ҳозирги вақтда конъектура кўпинча матн нашридан кейин бўляпти. Матншунос ва адабиётшунослар нашрлардаги хато ва камчиликларни матндаги маъно манитиғидан келиб чиқиб аниклаяптилар.

Глосс (ҳошия) — қўлёзманинг ҳошияларига, катор орасига котиб ёки ўқувчи томонидан бирор ўринни тушунтириш учун ёзилган матн. Глосс қўлёзмадаги асосий матн қўшилиб кетмайди. Масалан, форс-тожик адабиётининг йирик вакили Жалолиддин Румийнинг машҳур "Маснавийи маънавий"сининг достон шарҳи билан бирга кўчирилган нусхалари бор. Уларда достондан бир неча байт ёки ҳикоятлар парчаси

саҳифанинг ўртасига битилган, унинг атрофида айлантириб шу парчанинг шарҳи ёзилган. Мана шу қўлёзмадаги шарҳлар глосс бўлади. Яна бир мисол: Алишер Навоийнинг "Хамса" достонига 1845-1848 йилларда "Хамса бо ҳалли луғат" деб номланувчи луғат тузилган. Бу луғат "Хамса" достонлари ёзилган қўлёзманинг ҳошиясига битилган (бу қўлёзма ЎзР ФА Шарқшунослик институти фондида 7863 рақами остида сақланади). Бу луғат ҳам шу қўлёзма учун глосс бўлади. "Глосс" атамаси Шарқдаги "ҳошия"га тўғри келади.

Интерполяция – агар глосслар асосий матнга қўшилиб, уни матндан ажратиш қийин бўлиб қолса, интерполяция ҳисобланади.

Автоцензура – асарнинг муаллифнинг ўзи томонидан цензура қилиниши. Муаллиф асарини кўчириш ёки нашрга тайёрлаш мобайнида давр ва шароит тақозосига кўра ўзи цензура қилиб ўзгартиради. Масалан, Абдулла Қаҳҳор ўзининг "Сароб" романининг дастлабкисидан кейинги иккинчи ва учинчи нашрларини сиёсатдан келиб чиқиб, аввалги нашрга нисбатан бирмунча ўзгартириб чиқартирган. Натижада, романнинг уч нашри орасида тафовутлар кўпайган.

Нашр турлари — нашрлар хусусиятига кўра бир неча хил бўлади:

1. Аслият матнидан нусха кўчирилган нашр.
2. Аслият шрифти (хатини) сақлаган нашр.
3. Транскрипцион нашр.
4. Транслитерацион нашр.

Пойгир (пагинация) – китоб саҳифаларини тартиблаштириш, уларнинг муайян кетма-кетлигини таъминлашдир. Ҳозир биз китоб саҳифаларини 1, 2, 3 ва ҳоказо рақамлари билан тартибли ўсиб боришига одатланганмиз. Лекин Мусулмон Шарқи қўлёзмаларида саҳифалар кетма-кетлиги ҳар бир саҳифа бошида келган сўзнинг ундан олдинги саҳифанинг пастида, четрок бирор ўринга ёзиб қўйилиши билан англатилган.

Колофон (таърих)лар эса асосий матн – асар матнидан ажратиб алоҳида кўринишда ифодалаган. Бунда таърих кўпинча, учбурчак шаклида битилади ёки колофон асосий матн охирида келиб, матн ичига киритилади.

Адабий манбашунослик ва матншунослик – қадимий матнларни уларнинг адабий – филологик қийматига кўра тадқиқ қилувчи фан. Бунда манбанинг адабийлик жиҳати биринчи ўринда туради.

Тарихий манбашунослик – қадимий матнларни тарихийлик нуқтаи назаридан ўрганувчи матншуносликнинг тармоғи. Бунда матнлардаги тарихий фактлар, воқеалар асосий эътиборда туради.

Текстология – ўзининг назарий ва амалий қисмлари билан биргаликда адабиётшуносликнинг ва тарихий манбашуносликнинг асосини ташкил қилади.

Манбашунослик – манбалар билан ишлашни ўргатади. Бунда манбадаги маълумот биринчи ўринга чиқади.

Матншунослик – матннинг ўзи билан ишланади. Бунда матннинг шакли, тузилиши, даври, яратувчиси, материали, шунингдек, унинг ичидаги маълумотлар ҳам ўрганилади.

Адабий ёдгорликларни нашр этиш – матншуносликнинг амалиётда қўлланиш босқичларидан бири холос.

Таълим методи — муайян таълим мазмунининг ўқувчилар томонидан ўқитувчи раҳбарлигида ўзлаштирилишини ташкил этишга қаратилган биргаликдаги фаолиятни англатади.

Матн тарихи – матннинг юзага келиши, унинг кўчирилиб бориши тарихидир. Ана шу жараён билан боғлиқ тушунчалар матн тарихи тушунчалари ҳисобланади. Матн билан ишлаши лозим бўлган тадқиқотчи матн тарихининг асосий тушунчаларини билиши, улардан ўз изланишларида фойдаланиши лозим.

Матн – ижодкор фикри, ниятининг ёзувдаги ифодаси. Замонавий адабиётда ижодкор деганда кўпроқ асар муаллифи тушунилади. Ўтмиш

адабиётида котиб ва хаттотлар ҳам матн яратишда иштирок этганлар. Матн тушунчаси учун ҳамма ҳолатда ҳам энг асосийси шуки, матн англаб амалга оширилган ҳаракат натижасидир. Англамасдан қилинган ўзгариш, хатолар матн тушунчасига кирмайди.

Асар – матншунослик нуқтайи назаридан қараганда *асар* деб матнни айтиш лозим. Бу асар мазмун ва шакл жиҳатидан тугалликка эга бўлиши керак. *Асар* тушунчаси нисбий бўлиб, у матншунослик тарихи билан шуғулланувчига матн ўз тарихига – нусха, кўчирма ва бошқаларга эга бўлган тақдирдагина керак бўлади.

Қўлёзма, дастхат, нусха. — Қўлёзма ёзилган матн ёки матн парчаси *қўлёзма* дейилади. Бундай матн бир ёки бир неча асарга тааллуқли бўлиши мумкин. Шарқ адабиёти ва унга алоқадор бўлган матншунослик билан шуғулланувчилар учун *қўлёзма* энг кўп истифода этиладиган тушунчадир. Сабаби, ёзма адабиёт пайдо бўлганидан бошлаб, тошбосма (литография) усулида қўлёзмадан техник йўл билан нусха кўчириш жорий этилганидан (Туркистондаги дастлабки тошбосма матбаа 1879 йили ташкил этилган) кейин ҳам асарлар қўлда кўчирилиб тарқатилган.

Автограф – қўлёзма шу асарни яратган муаллиф томонидан кўчирилган бўлиши мумкин. Бу ҳолда у *автограф* (дастхат) деб аталади. Шарқ адабиёти матншунослиги учун дастхат жуда аҳамиятлидир. Чунки адиб яшаган даврда кўчирилган қўлёзма ҳам, ундан бир неча аср кейин вужудга келган қўлёзма ҳам бошқа одамлар томонидан кўчирилади. Ва, баъзан, хатоликларга ҳам йўл қўйилади. Хаптолар хаттотлар савияси ва улар таянган манбалар нуқсони ва бошқа турли сабаблар окибатида пайдо бўлади. Дастхат бўлса, муаллифнинг назаридан ўтганлиги аниқ ва таянишга арзийдиган матн бўлганлиги учун ҳам ишончлидир.

Тузувчи: филология фанлари номзоди

Р.Зоҳидов

“Илмий-танқидий матн назарияси ва амалиёти” фанидан слайдлар

1-жадвал



РАСМЛАР РЎЙХАТИ

1-расм. Ёсин сурасидан иккі кўфий хати (VII–VIII аср ёзилган).
2-расм. Салжуқий кўфий хати. Хаттот Маҳмуд Нақшбандий (IX аср ниҳояси, X аср мавриди).
3-расм. Муҳаккак ва суас мўйқалами (Катта ҳарфлар), хаттот Аҳмадбек Ҳожи Сафобек (1341 ҳижрий).
4-расм. Тавқиъ хати (ўнлик хат). Хаттот Бадиий Дарвиш (1371 ҳижрий).
5-расм. Наск хати. Хаттот Муҳаммад Алиф Бухорий Такмилусулоҳ лутфидан ёзилган. (1055/1645 йил).
6-расм. Таълиқ хати. Ибн Сиёвуш «Шарҳул-ишорат»ни котиблик қилган. Хаттот Абулфатҳ бин Аби ноқиён (757/1356 йил).
7, 7 а, 7 б, 7 в, 7 г, 7 д-расм. Настаълиқ мўйқалами (Катта ҳарфлар). Хаттот Шоҳмурод Тошкандий (1391 ҳижрий).
8-расм. Шиканса хат. Хаттот Юнус сонн Шарифбек (1272/1855 йил).
9, 9 а-расм. Деванй хат. Ғиждувонда ёзилган. Хаттот Ниъмат бин Жалолиддин Муҳаммад Самарқандий (980/1572 йил).
10-расм. Деванй ва риқъа хатлари. Хаттот Бадиий Дарвиш умматнусхаларни бирининг (Ёзма ёдгиликнинг).
11, 11 а-расм. Настаълиқ хати. Хаттот Муҳаммад Шариф Дабир Хуллад (Наъмий таллаф).
12-расм. Настаълиқ хати. Хаттот Сирожиддин Маҳзуф Сиддиқий.
12-расм. Настаълиқ хати. Хаттот Муҳаммад Тоҳир Муҳаммад Амин Мурдиийнинг бешта мерасия фирмоши (1304/1884 йилда).
13-расм. Настаълиқ қитъаси. Хаттот Аҳмадалиҳон ибнаҳ Фирдавсий Кобул (1341 ҳижрий).
14-расм. Қитъа. сонн Абдулқодир Бухорий.
15-расм. Қитъа Шоҳмурод асаҳ Тошкандий.
16-расм. Қитъа Шоҳмурод асаҳ Тошкандий.
17-расм. Кўфий сакталги хат (Самарқандаги Тиллакори мадрасасидаги ёзилган).

1-расм. Кўфий хатида ёзилган “Ёсин” сурасининг бир парчаси (мелодий VII – VIII асрлар)

2-расм. Салжуқий кўфий хати. Хаттот Махмуд Нақшбандий (мелодий X аср).

2-жадвал



3-расм. Муҳаққақ ва сулс муфрадоти (ёлғиз ҳарфлар). Хаттот Азизиддин вакил Фофилзои (ҳижрий 1341 йил).

4-расм. Тавъом хати (эгизак хат). Хаттот Бадавий Дераний (ҳижрий 1371 йил).

3-жадвал



5-расм. Насх хати. Хаттот Мухаммад Азиз Бухорий “Такмилуссухох” луғатидан олинган (1055/1645 йил).

6-расм. Таълиқ хати. Ибн Синонинг “Шархул-ишорат” китобидан олинган. Хаттот Абдулфутух бин Али Кошоний (757/1356 йил).

4-жадвал



7-расм. Настаълиқ муфрадоти (ёлғиз ҳарфлар). Хаттот Шомурод Тошкандий (1311 ҳижрий).

5-жадвал



8-расм. Шикаста хат. Хаттот Юнусхожа Шаҳрисабзий. (1272/1855 йил).

9-расм. Девний хати. Рукаотдан олинган. Хаттот Имод бин Жалолиддин Муҳаммад Самаркандий (980/1572 йил).

6-жадвал



10-расм. Девоний ва рикъа хатлари. Хаттот Бадавий Дероний. Ҳикматшуносларидан бирининг ўғлига қилган васияти.

7-жадвал



11-расм. Настаълиқ хати. Хаттот Муҳаммад Шариф Дабир Хўқандий (Алишер Навоий ғазали).

8-жадвал



12-расм. Настаълик хати. Хаттот Сирожиддин Махдум Сидқий.

13-расм. Настаълик хати. Хаттот Муҳаммад Тоҳир. Муқимийнинг баёзга тақризи. Форс тилида. (1301/1884 йил).

9-жадвал



13-расм. Настаълиқ китчаси. Хаттот Азизиддин вакил фўфилзоий. Кобул. (ҳижрий 1341 йил).

14-расм. Қитча. Хожи Абдулваҳҳоб Бухорий.

10-жадвал



15-расм. Қитча. Шомурод котиб Ташкандий.
16-расм. Қитча. Шомурод котиб Ташкандий.

11-жадвал



МУНДАРИЖА

17-расм. Кўний санъатли хат (Самарканддаги Тиллакори мадрасасидан олинган).

АДАБИЁТЛАР

1. Лихачев Д.С. Текстология (на материале русской литературы X-XII вв.). Санкт-Петербург. 2001.
2. Рейсер С.А. Палеография и текстология нового времени– Л.Просвещение. 1970
3. Правила подготовки к изданию памятников литературы Востока.– М.: ИВЛ, 1959.
4. Шамсиев П. Алишер Навоийнинг "Сабъаи сайёр" достонининг илмий-танқидий матни ва уни тузиш принциплари: Филол.фанлари номзод...дисс. автореф. – Тошкент, 1952. – 19б.
5. Алишер Навоий. Илк девон (факсимиле).-Тошкент, 1968.
6. Алишер Навоий. Хазойинул маоний. I-IV томлар,-Тошкент, 1960.
7. Алишер Навоий. Мажолис ун-нафоис. Илмий-танқидий текст. Тузувчи. С.Ғаниева.-Т.: 1961
8. Алишер Навоий. Хазойинул-маоний. Илмий-танқидий текст асосида нашрга нашрга тайёрловчи. Ҳ.Сулаймон.--Т.:1959.
9. Раҳмонов В. Матн ва матншунослик. Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 1987. 10 декабрь.
10. Эркинов А.С. Матншуносликка кириш. Тошкент. 1997 й.
11. Маҳмудова Р. Ўзбекистондаги тошбосма матбааларда Навоий асарларининг нашр этилиши тарихидан. // Адабий мерос. – 1968. - № 1. –Б. 98-103.
12. Жабборов Н. Фуркат асарларининг қўлёзма манбалари. Филол.фанлари номзод...дисс. автореф. – Тошкент, 1994.
13. Ҳабибуллаев А. Адабий манбашунослик ва матншунослик. – Тошкент: Тошкент Давлат Шарқшунослик институти, 2000.
14. Алишер Навоий "Хамса"нинг қўлёзмалари каталоги. Тузувчи: Қ.Муниров, М.Хакимов.-Тошкент. 1986.
15. Бельчиков Н.Ф. Литературное источниковедение. Москва. 1983.
16. Каталог фонда Института Рукописей. Том I, II. -Ташкент, 1988-89.
17. Султонов И. Навоийнинг "Мезон ул-авзон"и ва унинг критик тексти.

A